

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА  
МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**САМАРҚАНД ИҚТИСОДИЁТ ВА СЕРВИС ИНСТИТУТИ**

**«МАХСУС ФАНЛАРНИ ЎҚИТИШ МЕТОДИКАСИ»**

**ФАНИ БЎЙИЧА**

**ЎҚУВ ҚЎЛЛАНМА**

**ТАЪЛИМ ТЕХНОЛОГИЯСИ**

**САМАРҚАНД 2014**

Ниёзов З.Д.. «Махсус фанларни ўқитиш методикаси» фани бўйича ўқув қўлланма: Ўқув қўлланма // - Самарқанд: СИСИ, 2015. 112 бет.

Ўқув қўлланмада «Махсус фанларни ўқитиш методикаси» фанининг долзарблиги, ўқитиш тизими, фаннинг предмети, меътоди ва объектлари, мутахасислик фанларни ўқитишга таёргарлик кўриш ва уни ўтказиш, мутахасислик фанларни ўқитишда кўргазмали куруллар ва техник воситалардан фойдаланиш, фанни ўқитишда талабалар билимини баҳолаш, фан бўйича **ўқитишнинг технологиялаштириш қоидаларидан фойдаланилган ҳолда лойиҳалаштирилган таълим технологияси, келтирилган.**

Қўлланмадан «Махсус фанларни ўқитиш методикаси» фанини ўқитишда барча олий ўқув юртлари, профессор-ўқитувчилари, магистрлар ва илмий-педагогик фаолият олиб боришга қизиқувчилар ҳам фойдаланишлари мумкин.

#### **Такризчилар:**

Иқтисод фанлари номзоди З.Хайдаров

Иқтисод фанлари номзоди Ж.Мухиддинов

Кафедра йиғилишининг 2014 йил 3 -сонли баённомаси билан муҳокамадан ўтган ва институт Илмий-услубий Кенгаши муҳокамасига тавсия этилган.

**Кафедра мудир**

**З.Ниёзов**

Фаннинг ўқув дастури Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти Илмий-услубий Кенгашида муҳокама этилган ва нашрга тавсия қилинган (2014 йил **даги -сонли** баённома).

**Кенгаш раиси**

**А.Бектемиров**

## МУНДАРИЖА

<b>КИРИШ</b> .....	4
<b>«МАХСУС ФАНЛАРНИ ЎҚИТИШ МЕТОДИКАСИ» ЎҚУВ ФАНИ БЎЙИЧА ТАЪЛИМ ТЕХНОЛОГИЯСИНИНГ КОНЦЕПТУАЛ АСОСЛАРИ</b> .....	6
1. «Махсус фанларни ўқитиш методикаси» курсининг долзарблиги ва ўқитиш структураси .....	6
2. «Махсус фанларни ўқитиш методикаси» ўқув фанининг мазмуни ...	8
3. «Махсус фанларни ўқитиш методикаси» ўқув фани бўйича таълим технологияларини ишлаб чиқишнинг концептуал асослари .....	17
<b>МАЪРУЗА, СЕМИНАР ВА АМАЛИЙ МАШҒУЛОТЛАРДА ТАЪЛИМ ТЕХНОЛОГИЯСИ</b> .....	20
<b>1-МАВЗУ.</b> “Мутахассислик фанларини ўқитиш методикаси” фанининг предмети, методи ва объектлари .....	20
1.1. Мавзу бўйича тематик маъруза .....	21
1.2. Билимларни чуқурлаштириш ва кенгайтириш бўйича семинар ....	29
<b>2-МАВЗУ.</b> “Тижорат банк ресурсларини бошқариш”, “Нақд пулсиз ҳисоб китоблар ва тўлов тизими”, “Банк рисклари”, “Монетар сиёсат”, “Халқаро валюта операциялари ва ҳисоб китоблар” ва “Хорижий мамлакатларда банк иши” ва бошқа мутахассислик фанларидан маърузага тайёргарлик кўриш ва уни ўқитиш методикаси. .	41
2.1. Мавзу бўйича тематик маъруза .....	41
2.2. Билимларни чуқурлаштириш ва кенгайтириш бўйича семинар ....	50
<b>3-МАВЗУ.</b> Семинар (амалий) машғулотларга тайёргарлик кўриш ва уни ўқитиш методикаси. ....	57
3.1. Мавзу бўйича тематик маъруза .....	57
3.2. Билимларни чуқурлаштириш ва кенгайтириш бўйича семинар ....	63
<b>4-МАВЗУ.</b> «Тижорат банк ресурсларини бошқариш » фани бўйича маърузалар тайёрлаш методикаси. ....	75
4.1. Мавзу бўйича тематик маъруза .....	75
4.2. Билимларни чуқурлаштириш ва кенгайтириш бўйича семинар ....	81
<b>5-МАВЗУ.</b> «Нақд пулсиз ҳисоб китоблар ва тўлов тизими » фани бўйича маърузалар тайёрлаш методикаси. ....	93
5.1. Мавзу бўйича тематик маъруза .....	93
5.2. Билимларни чуқурлаштириш ва кенгайтириш бўйича семинар ....	105

**6-МАВЗУ.** «Банк рисклари» фани бўйича маърузалар тайёрлаш методикаси. . . . .

6.1. Мавзу бўйича тематик маъруза . . . . .

6.2. Билимларни чуқурлаштириш ва кенгайтириш бўйича семинар . . . . .

**7-МАВЗУ.** «Монетар сиёсат» фани бўйича маърузалар тайёрлаш методикаси. . . . .

7.1. Мавзу бўйича тематик маъруза . . . . .

7.2. Билимларни чуқурлаштириш ва кенгайтириш бўйича семинар . . . . .

**8-МАВЗУ.** «Халқаро валюта операциялари ва ҳисоб китоблар» фани бўйича маърузалар тайёрлаш методикаси. . . . .

8.1. Мавзу бўйича тематик маъруза . . . . .

8.2. Билимларни чуқурлаштириш ва кенгайтириш бўйича семинар . . . . .

**9-МАВЗУ.** «Хорижий мамлакатларда банк иши» фани бўйича маърузалар тайёрлаш методикаси. . . . .

9.1. Мавзу бўйича тематик маъруза . . . . .

9.2. Билимларни чуқурлаштириш ва кенгайтириш бўйича семинар . . . . .

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

**Мавзу:«Махсус фанларни ўқитиш методикаси» фанига кириш мавзусидан мавзу дарсининг модули ва педтехнологиясини тузиш ва шу асосда дарс олиб бориш.**

**Мавзу: :«Махсус фанларни ўқитиш методикаси» фанига кириш мавзусидан семинар (амалий машғулот) дарсининг модули ва педтехнологиясини тузиш ва шу асосда дарс олиб бориш.**

**Мавзу: «Махсус фанларни ўқитиш методикаси» фанида ўқув материаллардан фойдаланиш.**

**Мавзу:Талабанинг билим даражасини баҳолаш**

**Мавзу:Замонавий педагогик технологиялар асосида (дарсларда техника воситаларидан фойдаланиб) дарсларни олиб бориш.**

**Мавзу:**

## КИРИШ

Кадрлар тайёрлаш тўғрисидаги миллий дастурнинг амалга оширилиши банк тизими соҳасини чуқур билувчи кадрлар тайёрлаш зарурлигини тақозо қилади. Банк тизимида кадрлар ўз соҳасини, мутахассислигини чуқур билишдан ташқари мутахассислик фанларини ўқитиш, улар бўйича педагогика ва педагогик маҳорат асосларини ўрганиши, аудитория билан ишлашни билишлари лозим. Бундай талабга жавоб берувчи банкир-педагогни мутахассис фанларни ўқитишнинг методикаси каби фанлар бўйича билим даражасини, интерактив усулларни ўргатмасдан амалда тайёрлаш мумкин эмас. Банкирларга бу фанни ўргатишдан асосий мақсад уларнинг аудиторияни ўзига жалб эта олиш, раҳбар сифатида қўл остидагиларни тўғри бошқара олиш, ўзини фикрини аниқ етказиш, иқтисодий йўналишдаги олий ва ўрта махсус билим юртларида педагог сифатида фаолият кўрсатишга замин тайёрлаш, уларнинг педагог, илмий ходим сифатидаги фаолиятининг мазмунли ва самарали бўлишини таъминлашдан иборат.

Ушбу фаннинг мақсади – банк соҳасида профессионал педагог ва илмий фаолият олиб бора олабиган кадрларни тайёрлашдан иборат. «Махсус фанларни ўқитиш методикаси» фанининг вазифалари олий ўқув юртларида мутахассислик фанларини ўқитиш хусусиятларини, ўқитиш жараёни ва унинг босқичларини, маъруза дарсларига тайёрланиш, уларни сифатли ўтказиш асосларини, семинар (амалий) дарсларга тайёрланиш ва уларни сифатли олиб бориш, мутахассислик фанлар бўйича иш ўйинлари олиб бориш ва бошқа замонавий интерактив ва масофавий ўқитиш услубларида дарслар олиб бориши, ўқитиш ва тарбиянинг узвий боғлиқлигини таъминлаш, муаммоли ўқитиш усулларини магистрантларга ўргатишни камраб олади.

Мазкур фанни ўрганиш учун магистр 5230700-Банк иши бакалавриат таълим йўналиши негизидаги 5A230701-Банк иши (фаолият турлари бўйича) мутахассислиги бўйича магистрларнинг тайёргарлик даражаси ва зарурий билимлар мазмунига қўйилган талаблар давлат таълим стандартларида кўзда тутилган қўйидаги махсус фанлар билан бевосита алоқада бўлади: “Тижорат банк ресурсларини бошқариш”, “Нақд пулсиз ҳисоб китоблар ва тўлов тизими”, “Банк рисклари”, “Монетар сиёсат”, “Халқаро валюта операциялари ва ҳисоб китоблар” ва “Хорижий мамлакатларда банк иши” ва бошқа махсус фанлар.

Ушбу ўқув қўлланмада «Банк иши» мутахассислиги магистрантларига «Махсус фанларни ўқитиш методикаси» фанини ўқитишнинг мақсади, вазифалари ва магистрантларга ўз соҳасини, мутахассислигини чуқур билишдан ташқари мутахассислик фанларини ўқитиш, улар бўйича педагогика ва педагогик маҳорат, янги информацион технологиялар асосларини ўргатиш, аудитория билан ишлашни йўлга қўйиш долзарблиги каби масалалар ёритилади. Шунингдек, мазкур ўқув

қўлланма янги педагогик технологиялар йўналишига бағишланган бўлиб, унда хилма хил соҳаларда дарс берувчи ўқитувчи ва лекторлар учун дарс беришнинг бир қанча интерактив усуллари ёритилган.

«Махсус фанларни ўқитиш методикаси» фанининг маъруза ва амалий машғулотларида ақлий хужум, кластер, интер фаоллик, «Бумеранг» ва «Веер», амалий иш ўйини, портфолио, кейс-стади, онлайн тизимида суҳбат ва эркин ёзув усулларида, муаммоли таълим технологияси, дидактик ўйинлар, шунингдек, компьютер дастурларидан (ИАБС, Microsoft Excel, Microsoft PowerPoint, TopS Business Integrator, Hyperion Enterprise, WebTrust, SysTrust), слайдлардан, мультимедия воситаларидан, интернет саҳифалари ва тизимларидан фойдаланилади.

Таълим технологиясининг концептуал асослари бўлимида «махсус фанларни ўқитиш методикаси» курсининг аҳамияти ва ушбу курсни ўқитишнинг долзарблиги асосланган, ўқув соатларининг мавзулар бўйича тақсимланиши ҳамда курснинг асосий мазмуни очиб берилган. Шунингдек, таълим технологиясини ишлаб чиқишда қўлланилган асосий қоидалари: таълим усули ва техникаси; ташкил қилиш шакли, воситаси; коммуникация усуллари; берилган маълумотларни назорат қилиш усуллари ва воситалари; баҳолаш ва назорат қилиш тартиблари киритилган.

«Махсус фанларни ўқитиш методикаси» ўқув курси бўйича таълим технологияси маъруза ва амалий машғулотларни лойиҳалаш технологиялари ишлаб чиқилган.

Мазкур қўлланма кириш, таълим технологиясининг концептуал асослари ҳамда маъруза ва амалий машғулотларда ўқитиш технологиялар, дарсларга мустақил таёргарлик, мустақил ишлар ва талабалар билимини баҳолаб боршдан таркиб топган.

Таълим технологиясининг концептуал асослари бўлимида «Махсус фанларни ўқитиш методикаси» ўқув курсини ўқитишнинг долзарблиги асосланган, мазкур курснинг тузилмаси келтирилган, ҳамда курс бўйича ўқитишнинг мазмуни очиб берилган. Шу билан бирга ўқитиш, коммуникация, ахборот ва таълим жараёнини бошқариш усуллари ва воситаларининг концептуал асослари киритилган.

Мазкур ўқув қўлланма барча олий ўқув юртларида, малака ошириш курсларида, ўқитиш технологиясида кўзда тутилган шароитлар ва вақти мавжуд бўлган ҳолда «Махсус фанларни ўқитиш методикаси» курсини олиб боришда ўқитувчи томонидан қўлланилиши мумкин.

## **“МАХСУС ФАНЛАРНИ ЎҚИТИШ МЕТОДИКАСИ” ЎҚУВ КУРСИ БЎЙИЧА ТАЪЛИМ ТЕХНОЛОГИЯСИНИНГ КОНЦЕПТУАЛ АСОСЛАРИ**

### **1. «Махсус фанларни ўқитиш методикаси» курсининг долзарблиги ва ўқитиш структураси**

#### **“МУТАХАССИСЛИК ФАНЛАРИНИ ЎҚИТИШ МЕТОДИКАСИ” ФАНИДАН ЎТИЛАДИГАН МАВЗУЛАР ВА УЛАР БЎЙИЧА МАШҒУЛОТ ТУРЛАРИГА АЖРАТИЛГАН СОАТЛАР ҲАЖМИНИНГ ТАҚСИМОТИ**

т/р	Фан мавзуларининг номи	Жами соатлар	5А230701 – “Банк иши”		
			Маъруза	Амалий амалий машғу лотлар	Мустақил таълим
1.	“Мутахассислик фанларини ўқитиш методикаси” фанга кириш, фанининг предмети, методи ва объектлари	6	2	4	2
2.	Мутахассислик фанларидан маърузага тайёргарлик кўриш ва уни ўқитиш методикаси	18	2	4	4
3.	Семинар (амалий) машғулотларга тайёргарлик кўриш ва уни ўқитиш методикаси	12	2	4	4
4.	«Тижорат банк ресурсларини бошқариш» фани бўйича маъруза, семинар (амалий) машғулотларга тайёргарлик кўриш ва уни ўқитиш методикаси	12	2	4	4
5.	«Нақд пулсиз ҳисоб китоблар ва тўлов тизими» фани бўйича маъруза, семинар (амалий) машғулотларга тайёргарлик кўриш ва уни ўқитиш методикаси	12	2	4	2
6.	«Банк рисклари», ва «Монетар сиёсат» фанлари бўйича маъруза, семинар (амалий) машғулотларга тайёргарлик кўриш ва уни ўқитиш методикаси	12	2	4	2
7.	“Халқаро валюта операциялари ва ҳисоб китоблар” ва “Хорижий мамлакатларда банк иши” фанлари бўйича маъруза, семинар (амалий) машғулотларга, тайёргарлик кўриш ва уни ўқитиш методикаси	12	2	4	2
8.	Мутахассислик фанини ўқитишда кўргазмали куруллардан ва техник воситалардан фойдаланиш методикаси	12	2	4	4
9.	Мустақил таълимни ташкил қилиш методикаси	12	2	4	4
10.	Мутахассислик фанини ўқитиш жараёнида талаблар билимини назорат қилиш ва баҳолаш	18	2	4	2
	<b>ЖАМИ</b>	<b>90</b>	<b>20</b>	<b>40</b>	<b>30</b>

## 1. МАЪРУЗА МАШҒУЛОТЛАРИ

### “Мутахассислик фанларини ўқитиш методикаси” фанга кириш, фанининг предмети, методи ва объектлари

Ўзбекистонда кадрлар тайёрлаш моделини мужассамлаштирган таълим тизими ва унинг ҳуқуқий асослари. Ўзбекистонда “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури тўғрисида”ги ва “Таълим тўғрисида”ги қонунларининг моҳияти ва аҳамияти. Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 16 августдаги 343-сонли қарори. Ўзбекистоннинг узлуксиз Давлат Таълим Стандартлари тизими. Олий таълимнинг билим ва таълим соҳаси бакалавриат йўналишининг 5230700-“Банк иши” ва магистратуранинг 5A230701-“Банк иши” (фаолият турлари бўйича) Давлат Таълим Стандартлари талаблари. “Банк ва жамғарма иши” кафедраси томонидан бакалавриат йўналишлари ва магистратура мутахассисликларига ўтиладиган махсус фанлар мажмуаси, уларни ўзаро боғлиқлиги ва ўқитишнинг кетма-кетлиги. Махсус фанларни ўқитиш ва олий таълим жараёнини ишлаб чиқариш билан интеграциясининг аҳамияти ва ўрни.

“Мутахассислик фанларини ўқитиш методикаси” фани ва унинг аҳамияти. Фаннинг предмети ва объекти. “Мутахассислик фанларини ўқитиш методикаси” *фанининг методи*. “Мутахассислик фанларини ўқитиш методикаси” фанида анализ, синтез, индукция, дедукция ва бошқа усулларнинг қўлланилиши. “Мутахассислик фанларини ўқитиш методикаси” фанининг “Тижорат банк ресурсларини бошқариш”, “Нақд пулсиз ҳисоб китоблар ва тўлов тизими”, “Банк рисклари”, “Монетар сиёсат”, “Халқаро валюта операциялари ва ҳисоб китоблар” ва “Хорижий мамлакатларда банк иши” фанлари билан ўзаро боғлиқлиги.

**Адабиётлар: 2, 4, 7, 9, 10, 13, 14, 19.**

### Мавзу. Мутахассислик фанларидан маърузага тайёргарлик кўриш ва уни ўқитиш методикаси

Маъруза ўқиш жараёнининг асосий шакли. Маърузанинг таркибий қисмларини кўрсатиш. Кириш қисмининг моҳияти, маърузада қўйиладиган саволлар ва уларнинг кетма-кетлигини таъминлашда эътибор берилишининг зарурлиги. Маърузада қўйиладиган саволлар ҳозирги куннинг долзарб муаммолари билан боғланишни билиши. *Муаммоли маърузалар билан умумий маърузаларнинг фарқи*. Маърузага тайёргарлик кўриш. Маъруза режасини тузиш, амалиёт материаллари йиғиш, маърузанинг таркиби ва унда қўйиладиган саволларнинг асосий мазмуни, қўшимча саволлар, маърузанинг қўшимча қисми. Маъруза матни, унга қўйиладиган талаблар. маърузани тайёрлашда давлатнинг қонун-қоидалари, фармонлари, йўриқномалари, Молия вазирлиги ва Давлат солиқ Қўмитаси, Марказий банкнинг меъёрий ҳужжатларидан, махсус адабиётларидан фойдаланиш тартиби. Маъруза материалларида муаммолар қўйиш ва уларни ечиш йўллари кўрсатиб бера олиш. Маърузада слайдлар, жадваллар, мултимедиялар ва бошқа амалий материаллардан фойдаланиш ва уларни дарс жараёнида ишлатиш, маъруза ўқишда аудитория билан алоқа ўрнатиш усуллари.



**Адабиётлар: 1, 4, 6, 8, 11, 15, 20.**

**3-мавзу. Семинар (амалий) машғулотларга тайёргарлик кўриш ва уни ўқитиш методикаси**

Семинар (амалий) машғулотларда талабларнинг назарий жиҳатдан олган билимларини амалий жиҳатдан мустаҳкамлашда асос бўлувчи омил бўлиб, унинг ўқув жараёнидаги роли, айниқса салмоқлидир.

Семинар (амалий) машғулотини олиб боришда семинар (амалий машғулот)нинг мақсади ва вазифасини аниқлаш. Маъруза билан семинар (амалий машғулот)нинг узвий боғлиқлигини таъминлаш. Кўриладиган саволларнинг мантиқий бирлигига эришиш.

Семинар (амалий машғулот)ларга тайёрлик кўриш усуллари. Адабиётлар, амалий материаллар танлаш, уларни ўрганиш ва аудиторияга етказиш усуллари. *Маърузани асосий ва микросаволларга ажратиш, саволларни кўриш бўйича вақтни тақсимлаш.* Семинар (амалий машғулот) олиб боришда кўргазмали қуроллардан фойдаланиш. Талабаларнинг семинар (амалий машғулот)га тайёргарлиги, уларнинг билимини, ҳозиржавоблиги ва дарсга актив қатнашиш даражасини баҳолаш. Семинар (амалий машғулот)ни олиб бориш усули ва шакллари, давра суҳбати, савол-жавоб, иш ўйинлари, баҳслашувлар, мунозаралар ва бошқалар.

**Адабиётлар: 2, 5, 7, 13, 17, 19.**

**4-мавзу. «Тижорат банк ресурсларини бошқариш» фани бўйича маъруза семинар (амалий) машғулотларга тайёргарлик кўриш ва уни ўқитиш методикаси**

«Тижорат банк ресурсларини бошқариш» фани бўйича маърузалар тайёрлаш хусусиятлари ва тижорат банклари фаолиятини бошқаришни ташкил қилишнинг умумий асослари, тижорат банклари молиявий ресурслари ва уларни ташкил қилишнинг умумий жиҳатлари, тижорат банкларининг капиталини бошқариш, банк мажбуриятларини бошқариш, тижорат банкларининг кредит сиёсати кредитларни бошқаришнинг асоси сифатида, тижорат банклари кредит портфелини бошқариш, тижорат банклари ресурслари билан боғлиқ рисклар ва уларни бошқариш, тижорат банкларини молиявий ресурсларини бошқаришда депозит сиёсати ва уни такомиллаштириш, банк ишида баланسدан ташқари молиялаштириш, банк активлари ва пасивларини бошқаришнинг директив қуроллари, тижорат банкларини молиявий ресурсларини стратегик бошқариш ва тижорат банклари ресурслари ва улардан самарали фойдаланиш йўллари каби масалаларини қамраб олиш.

*Ўқитиш жараёнида назарий билим билан амалий билимни солиштириш усуллари ташкил этиш, тингловчиларнинг ўқишга бўлган қизиқишларини тобора ортириб улар учун имкон қадар мустақил билим олишга шароит яратиб бериш.*

**Адабиётлар: 5, 9, 12, 13, 14, 20.**

## **5-мавзу. «Нақд пулсиз ҳисоб китоблар ва тўлов тизими» фани бўйича маъруза, семинар (амалий) машғулотларга тайёргарлик кўриш ва уни ўқитиш методикаси**

“Нақд пулсиз ҳисоб-китоблар ва тўлов тизими” фани бўйича маърузалар тайёрлаш хусусиятлари ва ушбу фанни ўрганишда фанининг предмети, мазмуни ва моҳияти. Унинг мақсад ва вазифалари. Нақд пулсиз ҳисоб-китоблар ва тўлов тизими тўғрисида тушунча. Нақд пулсиз ҳисоб-китоблар ва тўлов тизимини ташкил қилишнинг иқтисодий аҳамияти. Нақд пулсиз ҳисоб-китоблар ва тўлов тизимини ташкил қилиш ва бошқаришга бағишланган илмий концепциялар ва назарий қарашлар. Нақд пулсиз ҳисоб-китоблар ва тўлов тизимини ташкил қилиш назарий асослари ва бошқариш усуллари. Тўлов тизимини бошқариш инструментлари. Тўлов тизимини ташкил қилишда тижорат банкларининг ўрни. Нақд пулсиз ҳисоб-китобларни ва тўлов тизимини ташкил қилиш ва бошқаришда Марказий банкнинг ўрни бўйича

Семинар (амалий) машғулотларда нақд пулсиз ҳисоб-китоб инструментларини ва механизмларини иқтисодий моҳиятини чуқур тушиниб олишга таёрлаш. Улар ёрдамида ташкил қилинадиган ҳисоб-китоб жараёнларини ташкил қилиш ва тартибга солиш масалаларига ижодий ёндашиш кўникмаларни шакллантириш. Миллий тўлов тизимининг архитектураси, ишлаш принцип ва механизмларини ҳамда тартибга солиш соҳасида олган билим ва кўникмаларини мустаҳкамлаб бориш, хулоса ва таклифлар бериш ва бошқалар.

Семинар ва (амалий) машғулотларни ташкил этиш бўйича кўрсатма ва тавсиялар ишлаб чиқилади. Унда талабалар асосий маъруза мавзулари бўйича олган билим ва кўникмаларини амалий масалалар ечиш орқали яна бойилади. Шунингдек, дарслик ва ўқув қўлланмалар асосида талабалар билимларини мустаҳкамлашга эришиш, тарқатма материаллардан фойдаланиш, илмий мақолалар ва тезисларни чоп этиш орқали талабалар билиминини ошириш, масалалар ечиш, мавзулар бўйича кўргазмали қурооллар тайёрлаш ва бошқалар тавсия этиш.

**Адабиётлар: 1, 3, 6, 11, 16, 18.**

## **6-мавзу. «Монетар сиёсат» фанлари бўйича маъруза, семинар (амалий) машғулотларга тайёргарлик кўриш ва уни ўқитиш методикаси**

«Монетар сиёсат» фани бўйича маърузада монетар сиёсат ва унинг иқтисодиётни бошқаришдаги ўрни, монетар сиёсатнинг назарий асослари, мақсади ва асосий йўналишлари, монетар сиёсатнинг воситалари ва уларнинг амал қилиш механизми, монетар сиёсатни амалга оширишда хорижий мамлакатлар тажрибаси ва Ўзбекистон монетар сиёсатининг ўзига хос хусусиятлари ҳамда макроиқтисодий ва молиявий барқарорликни мустаҳкамлашда монетар сиёсатнинг аҳамияти ва долзарб муаммолари каби масалаларини қамрашни талаб этади.

Семинар (амалий) машғулотларда айрим назарий мавзуларни ўқув адабиётлари ёрдамида ўзлаштириш; амалий машғулотлар учун топширилган, мавзуга доир масалалар, кейс-стади ва ўқув лойиҳаларини Ахборот ресурс маркази манбалари

ҳамда изланиш объекти бўлиши корхона ва ташкилотларнинг ижтимоий-иқтисодий кўрсаткичлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Марказий банки, Ўзбекистон Республикаси валюта биржаси маълумотларини тўплаган ҳолда бажариш; илмий-амалий анжуманларга маъруза тезислари ва илмий мақолаларни тайёрлаш, имкон қадар мустақил билим олишга шароит яратиб бериш.

**Адабиётлар: 1, 3, 6, 11, 16, 18.**

**7-мавзу. “Халқаро валюта операциялари ва ҳисоб китоблар” ва “Хорижий мамлакатларда банк иши” фанлари бўйича маъруза, семинар (амалий) машғулотларга, тайёргарлик кўриш ва уни ўқитиш методикаси**

Ушбу фанларда банк иши соҳасидаги мутахассисларга халқаро валюта, хорижий мамлакатларда банк операциялари ва ҳисоб китоблар бўйича мустаҳкам назарий ва амалий билим бериш, тажрибаларни ўргатиш, валюта муносабатларини бошқариш ва оқилона валюта сиёсат олиб бориш масалаларини қамрайди.

Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамиятига ва халқаро молия институтларига аъзо бўлиб кириши жаҳоннинг валюта, кредит, қимматли қоғозлар ҳамда олтин бозорларида умумқабул қилинган замонавий кодексини билишни талаб этади. Ушбу валюта операцияларини амалга ошириш ва ривожлантириш масалалари фаннинг долзарблигини кўрсатади.

Фанни ўқитишдан мақсад - талабаларни валюта муносабатлари, хорижий мамлакатларда банк иши асослари, валюта тизими, валюта бозорлари ва уларнинг турлари, бозор конъюнктураси ва унга таъсир этувчи омиллар, шунингдек, валюта операциялари билан таништиришда маъруза ва амалий машғулотлар олиб боришга ўргатишдан иборат.

Фаннинг вазифаси – талабаларни валюта биржаларида ва бозорларида операциялар амалга ошира олиши, валюта муносабатлари ва валюта сиёсатини диверсификацияланган ҳолда олиб боришни, тўлов балансини баланслаштириш усулларини, валюта рисклари ҳамда улардан ҳимояланиш йўлларини ўргатишда маърузаваамалий машғулотлар олиб боришга ўргатишдан иборат.

**Адабиётлар: 2, 7, 9, 10, 14, 19.**

**8-мавзу. Мутахассислик фанини ўқитишда кўرғазмали қурооллардан ва техник воситалардан фойдаланиш методикаси**

Дарс олиб бориш жараёнида кўрғазмали қуроолларнинг роли ва аҳамияти. *Кўрғазмали қурооллар турлари, улардан фойдаланиш йўллари.* Уларни дарсга, маърузаларга тайёрлаш. Электрон доскадан фойдаланиш. Проектор ва у орқали тақдимот материалларини талабаларга етказиш. Компьютер воситаларида дастурлар таёрлаш ва уни ўқув жараёнида фойдаланиш. Слайдлар тайёрлаш ва улардан фойдаланиш, жадвал ва схемалар тузиш, альбомлар кўрғазмали қурооллар таёрлаш улардан фойдаланиш. Техник воситалардан фойдаланиш.

**Адабиётлар: 1, 3, 6, 12, 19, 20.**

## **9-мавзу. Мустақил таълимни ташкил қилиш методикаси**

Ўқув жараёнида талабаларнинг мустақил иши ва мустақил таълимнинг роли ва аҳамияти. *Мустақил таълим режасини тузиш, уни тайёрлашни ўрганиш.* Мустақил таълимни олиб бориш бўйича, мавзулар, уларнинг режаси, шакиллари, маърузалар, рефератлар, курс ишлари, хисоботлар, МБИ, магистрлик диссертациялари. Давр-сухбатлари, библиографиялар тузиш ва бошқалар.

**Адабиётлар: 2, 8, 10, 11, 14, 18.**

## **10-мавзу. Мутахассислик фанини ўқитиш жараёнида талаблар билимини назорат қилиш ва баҳолаш**

Назоратнинг турларини билиш: семинар машғулоти, ёзма ишлар, таянч иборалар бўйича ёзма ишлар, тестлар, мунозара, баҳслашув, синовлар. *Талабаларнинг давомати, активлиги фаоллиги ва бошқа омилларга эътибор бериш, жорий, оралиқ, якуний назорат натижаларини муҳокама қилиш ва ҳоказолар.*

**Адабиётлар: 1, 3, 9, 10, 17, 18.**

## **2. АМАЛИЙ МАШҒУЛОТЛАР**

### **Мавзу. Мутахассислик фанларидан маърузага тайёргарлик кўриш ва уни ўқитиш методикаси**

Ўзбекистонда “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури тўғрисида”ги ва “Таълим тўғрисида”ги қонунларининг моҳияти ва аҳамияти.

Ўзбекистоннинг узлуксиз Давлат Таълим Стандартлари тизими.

5A230701-“Банк иши” (фаолият турлари бўйича) Давлат Таълим Стандартлари талаблари.

Махсус фанларни ўқитиш ва олий таълим жараёнини ишлаб чиқариш билан интеграциясининг аҳамияти ва ўрни.

“Мутахассислик фанларини ўқитиш методикаси” фани ва унинг аҳамияти. Фаннинг предмети ва объекти.

“Мутахассислик фанларини ўқитиш методикаси” *фаннинг методи.* “Мутахассислик фанларини ўқитиш методикаси” фанининг махсус фанлари билан ўзаро боғлиқлиги.

**Адабиётлар: 2, 4, 7, 9, 10, 13, 14, 19.**

### **Мавзу. Мутахассислик фанларидан маърузага тайёргарлик кўриш ва уни ўқитиш методикаси**

Маъруза ўқиш жараёнининг асосий шакли. Маърузанинг таркибий қисмларини кўрсатиш.

Маърузада қўйиладиган саволлар ҳозирги куннинг долзарб муаммолари билан боғланишни билиши. *Муаммоли маърузалар билан умумий маърузаларнинг фарқи.*

Маърузага тайёргарлик кўриш. Маъруза режасини тузиш, амалиёт материаллари.

Маъруза матни, унга қўйиладиган талаблар. маърузани тайёрлашда давлатнинг қонун-қоидалари, фармонлари, йўриқномалари.

Маърузада аудитория билан алоқа ўрнатиш усуллари.

**Адабиётлар: 1, 4, 6, 8, 11, 15, 20.**

**Мавзу. Семинар (амалий) машғулотларга тайёргарлик кўриш ва уни ўқитиш методикаси**

Семинар (амалий) машғулотларда талабларнинг назарий жиҳатдан олган билимларини амалий жиҳатдан мустаҳкамлаш.

Семинар (амалий) машғулотини олиб боришда семинар (амалий машғулот)нинг мақсади ва вазифасини аниқлаш.

Семинар (амалий машғулот)ларга тайёрлик кўриш усуллари. Адабиётлар, амалий материаллар танлаш, уларни ўрганиш ва аудиторияга етказиш усуллари.

Семинар (амалий машғулот)ни олиб бориш усули ва шакллари, давра суҳбати, савол-жавоб, иш ўйинлари, баҳслашувлар, мунозаралар ва бошқалар.

**Адабиётлар: 2, 5, 7, 13, 17, 19.**

**Мавзу. «Тижорат банк ресурсларини бошқариш» фани бўйича маъруза семинар (амалий) машғулотларга тайёргарлик кўриш ва уни ўқитиш методикаси**

«Тижорат банк ресурсларини бошқариш» фани бўйича маърузалар тайёрлаш хусусиятлари.

Тижорат банклари фаолиятини бошқаришни ташкил қилишнинг умумий асослари ва тижорат банклари ресурслари ва улардан самарали фойдаланиш йўллари каби барча масалаларини қамраб олиш.

Ўқитиш жараёнида назарий билим билан амалий билимни солиштириш усуллари ташкил этиш.

Тингловчиларнинг ўқишга бўлган қизиқишларини тобора ортириб улар учун имкон қадар мустақил билим олишга шароит яратиб бериш.

**Адабиётлар: 5, 9, 12, 13, 14, 20.**

**Мавзу. «Нақд пулсиз ҳисоб китоблар ва тўлов тизими» фани бўйича маъруза, семинар (амалий) машғулотларга тайёргарлик кўриш ва уни ўқитиш методикаси**

“Нақд пулсиз ҳисоб-китоблар ва тўлов тизими” фани бўйича маърузалар тайёрлаш хусусиятлари.

Нақд пулсиз ҳисоб-китобларни ва тўлов тизимини ташкил қилиш ва бошқаришда Марказий банкнинг ўрни.

Семинар (амалий) машғулотларда нақд пулсиз ҳисоб-китоб инструментларини ва механизмларини иқтисодий моҳиятини чуқур тушиниб олишга таёрлаш.

Миллий тўлов тизимининг архитектураси, ишлаш принцип ва механизмларини ҳамда тартибга солиш соҳасида олган билим ва кўникмаларини мустаҳкамлаб бориш.

Семинар ва (амалий) машғулотларни ташкил этиш бўйича кўрсатма ва тавсиялар ишлаб чиқиш.

Талабалар ёрдамида масалалар ечиш, мавзулар бўйича кўргазмали қуроллар тайёрлаш ва бошқалар тавсия этиш.

**Адабиётлар: 1, 3, 6, 11, 16, 18.**

### **Мавзу. «Монетар сиёсат» фанлари бўйича маъруза, семинар (амалий) машғулотларга тайёргарлик кўриш ва уни ўқитиш методикаси**

«Монетар сиёсат» фани бўйича маърузада монетар сиёсатнинг аҳамияти ва долзарб муаммолари каби масалаларини қамрашни талаб этади.

Семинар (амалий) машғулотларда айрим назарий мавзуларни ўқув адабиётлари ёрдамида ўзлаштириш.

Илмий-амалий анжуманларга маъруза тезислари ва илмий мақолаларни тайёрлаш, имкон қадар мустақил билим олишга шароит яратиб бериш.

**Адабиётлар: 1, 3, 6, 11, 16, 18.**

### **Мавзу. “Халқаро валюта операциялари ва ҳисоб китоблар” ва “Хорижий мамлакатларда банк иши” фанлари бўйича маъруза, семинар (амалий) машғулотларга, тайёргарлик кўриш ва уни ўқитиш методикаси**

Фанни ўқитишдан мақсад - талабаларни валюта муносабатлари, хорижий мамлакатларда банк иши асослари, валюта тизими, валюта бозорлари ва уларнинг турлари, бозор конъюнктураси ва унга таъсир этувчи омиллар, шунингдек, валюта операциялари билан таништиришда маъруза ва амалий машғулотлар олиб боришга ўргатишдан иборат.

Фаннинг вазифаси – талабаларни валюта биржаларида ва бозорларида операциялар амалга ошира олиши, валюта муносабатлари ва валюта сиёсатини диверсификацияланган ҳолда олиб боришни, тўлов балансини баланслаштириш усуллари, валюта рисклари ҳамда улардан ҳимояланиш йўллари ўргатишда маъруза ва амалий машғулотлар олиб боришга ўргатишдан иборат.

**Адабиётлар: 2, 7, 9, 10, 14, 19.**

### **Мавзу. Мутахассислик фанини ўқитишда кўргазмали қуроллардан ва техник воситалардан фойдаланиш методикаси**

Дарс олиб бориш жараёнида кўргазмали қуролларнинг роли ва аҳамияти.

Электрон доскадан фойдаланиш. Проектор ва у орқали тақдирот материалларини талабаларга етказиш. Компьютер воситаларида дастурлар таёрлаш ва уни ўқув жараёнида фойдаланиш.

Слайдлар тайёрлаш ва улардан фойдаланиш, жадвал ва схемалар тузиш, альбомлар кўргазмали қуроллар таёрлаш улардан фойдаланиш.

**Адабиётлар: 1, 3, 6, 12, 19, 20.**

### **Мавзу. Мустақил таълимни ташкил қилиш методикаси**

Ўқув жараёнида талабаларнинг мустақил иши ва мустақил таълимнинг роли ва аҳамияти.

*Мустақил таълим режасини тузиш, уни тайёрлашни ўрганиш.* Мустақил таълимни олиб бориш бўйича, мавзулар, уларнинг режаси, шакиллари, маърузалар, рефератлар, курс ишлари, хисоботлар, МБИ, магистрлик диссертациялари.

Давр-суҳбатлари, библиографиялар тузиш ва бошқалар.

**Адабиётлар: 2, 8, 10, 11, 14, 18.**

### **Мавзу. Мутахассислик фанини ўқитиш жараёнида талаблар билимини назорат қилиш ва баҳолаш**

Назоратнинг турларини билиш.

Семинар машғулот, ёзма ишлар, таянч иборалар бўйича ёзма ишлар, тестлар, мунозара, баҳслашув, синовларни баҳолаш.

Талабаларнинг давомати, фаоллиги ва бошқа омилларга эътибор бериш, жорий, оралиқ, якуний назорат натижаларини муҳокама қилиш.

Адабиётлар: 1, 3, 9, 10, 17, 18.

### **АДАБИЁТЛАР**

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси.- Т.: «Адолат».2008.
2. «Таълим тўғрисида» Ўзбекистон Республикасининг Қонуни - Т. 1997.
3. «Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури» тўғрисида Ўзбекистон Республикасининг Қонуни - Т. 1997.
4. «Ўзбекистон Республикаси Марказий банки тўғрисида»ги Қонун. 1995 йил 21 декабр. - Т.: ЎРМБ, 1996.
5. Ўзбекистон Республикаси «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»ги Қонуни. 1996 йил 25 апрел. - Т.: ЎРМБ, 1996 йил
6. Каримов И.А. Асосий вазифамиз –Ватанамиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир. –Т.: “Ўзбекистон” 2010.
7. Каримов И.А. Ватанамизнинг босқичма-босқич ва барқарор ривожланишини таъминлаш-бизнинг олий мақсадимиз. -Т.: “Ўзбекистон”2009.
8. Каримов И.А. Энг асосий мезон-ҳаёт ҳақиқатини ақс эттириш. -Т.”Ўзбекистон” 2009.
9. Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари. –Т.: “Ўзбекстон” 2009.
10. Каримов И.А. Мамлакатни модернизация қилиш ва иқтисодиётимизни барқарор ривожлантириш йўлида. –Т.: “Ўзбекистон”2008.
11. Каримов И.А. Юксак маънавият-енгилмас куч. –Т.: “Маънавият”, 2008
12. Каримов И.А. “Банк тизими, пул муомаласи, кредит, инвестиция ва молиявий барқарорлик тўғрисида”.- Т. “Ўзбекистон” 2005, -528 б.
13. Ўзбекистон банк тизимини ислоҳ қилиш ва эркинлаштириш бўйича қонунчилик ҳужжатлари тўплами. Т. “Ўзбекистон”, 2000 йил

14. Абдуллаева Ш. Пул кредит ва банклар Т. «Молия» 2000.
15. Абдуллаева Ш. Банк иши. Ўқув қўлланма. – Т.:Молия, 2003.
16. Герберд Ньютон Кессон Пулдорлик санъати, Пахлавон Турғунов таржимаси Т. «Камалак» 1996 й.
17. Голиш Л.В., Файзуллаева Д.М. Педагогик технологияларни лойиҳалаштириш ва режалаштириш.- Т. ООО “QWERT PRINT” 2010
18. Ишмухамедов Р., Абдукодиров А., Пардаев А. Таълимда инновацион технологиялар -Т.: Истеъдод, 2008 й.
19. Муллажонов Ф. Ўзбекистон Республикаси Банк тизими Т. «Ўзбекистон» 2011
20. Ражабов Н. Мутахассисликка кириш Т. «Ўқитувчи» 1991.
21. Ходиев Б., Голиш Л. Мустақил ўқув фаолиятини ташкил этиш усул ва воситалари –Т.: ООО “QWERT PRINT” 2010
22. Қурбонов Ш., Сейтхалилов А. Узлуксиз таълимда кадрлар тайёрлашнинг миллий модели. Т.: шарқ 2000.
23. Зиямухаммедов Б. Педагогика. -Т.: Ўқитувчи, 2000.
24. Қурбонов Ш. ва бошқалар. Узлуксиз таълимда кадрлар тайёрлашнинг миллий модели.-Т.: Шарқ, 2000.
25. Хўжаев Н. Иқтисодий педагогика. -Т.: Фан, 2002.

### **Қўшимча адабиётлар**

1. Мавлонов С., Тўраева Ж. Педагогика. -Т.: Ўқитувчи, 2001.
2. Перегудов Л., Саидов М. Менеджмент и экономика высшего образования.-Т.: Шарқ, 2001.
3. Подласый И.П. Педагогика. Новый курс. -М.: 1999.
4. Фарберман Б. Илғор педагогик технологиялар. -Т.: Фан, 2000.
5. Фарберман Б. Передовые педагогические технологии. -Т.: Фан, 2000.
6. Фарберман Б., Мусина Р., Жумаева Ф. Олий ўқув юртларида ўқитишнинг замонавий усуллари. –Т.: Ўқитувчи, 2002.
- ОЛИЙ ТАЪЛИМ меъёрий хужжатлар тўплами Т. «Шарқ» 2001.
7. ОЛИЙ ТАЪЛИМ меъёрий хужжатлар тўплами Т. «Шарқ» 2003.
8. Бозор, пул ва кредит журнали 2012-2014 йиллар
9. Банк ахборотномаси газеталари. 2014 йил.
10. Самарканд иқтисодиёт ва сервис институти. Буклет Т.2008й.

### **Интернет сайтлар**

[www.bankir.ru](http://www.bankir.ru)  
[www.bankir.com](http://www.bankir.com)  
[www.bankinform.ru](http://www.bankinform.ru)

## **4. ТАВСИЯ ЭТИЛАЁТГАН МАВЗУЛАР БЎЙИЧА КЎРГАЗМА-НАМОЙИШ МАТЕРИАЛЛАРИ, ЎҚУВ ФИЛЬМЛАРИ ВА БОШҚА ДИДАКТИК МАТЕРИАЛЛАР РЎЙХАТИ**

### **Кўргазма-намойиш материаллари рўйхати:**

- мутахассислик фанларидан маърузага тайёргарлик кўриш ва уни ўқитиш методикасига оид чизмалар;



- семинар (амалий) машғулотларга тайёргарлик кўриш ва уни ўқитиш методикасига оид чизмалар;
- «Тижорат банк ресурсларини бошқариш» фани бўйича маърузалар тайёрлаш методикасига оид чизмалар;
- «Нақд пулсиз ҳисоб китоблар ва тўлов тизими» фани бўйича маърузалар тайёрлаш методикасига оид чизмалар;
- «Банк рисклари» фани бўйича маърузалар тайёрлаш методикасига оид чизмалар;
- «Монетар сиёсат» фани бўйича маърузалар тайёрлаш методикасига оид чизмалар;
- «Халқаро валюта операциялари ва ҳисоб китоблар» фани бўйича маърузалар тайёрлаш методикасига оид чизмалар;
- «Хорижий мамлакатларда банк иши» фани бўйича маърузалар тайёрлаш методикасига оид чизмалар;
- мустақил таълимни ташкил қилиш методикасига оид чизмалар;

#### **Дидактик материаллар рўйхати:**

- мавзулар, бўлимлар бўйича тузилган тестлар;
- ёзма иш вариантлари ва бошқа тарқатма материаллар;
- мавзулар бўйича услубий кўрсатмалар;
- мавзулар бўйича билимларни оширишда фойдаланиладиган интернет саҳифалари (<http://www.iasc.org.uk>, <http://www.aicpa.org>, <http://www.accountingweb.com>, <http://www.gaap.ru>, <http://www.auditinfo.ru>, <http://www.audit-yunikon.ru>).

#### **Мультимедиа иловалари:**

- фан бўйича маъруза матнлари тўплами, масалалар тўпламини CD-ROM иловадан фойдаланиб, компакт дискка ёзиш ва ундан фойдаланиш;
- банк операцияларига доир масалаларни ИАБС, Microsoft Excel, Microsoft PowerPoint, TopS Business Integrator, Hyperion Enterprise, WebTrust, SysTrust дастурларидан кенг фойдаланган ҳолда, масалалар ечиш.

## 5. БАҲОЛАШ МЕЗОНЛАРИ

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2010 йил 26 август 1981-1-сонли буйруғи билан тасдиқланган “Олий таълим муассаларида талабалар билимини назорат қилиш ва баҳолашнинг рейтинг тизими тўғрисидаги Низом”да кўрсатилганидек, «Мутахассислик фанларини ўқитиш методикаси» фани бўйича талабалар билимини назорат қилиш ва рейтинг тизими орқали баҳолаш қуйидаги турлар орқали амалга оширилади: жорий назорат (Ж.Н.); оралик назорат (О.Н.); якуний назорат (Я.Н.).

«Мутахассислик фанларини ўқитиш методикаси» фани бўйича талабани семестр давомидаги ўзлаштириш кўрсаткичи 100 баллик тизимда баҳоланади.

Ушбу 100 балл баҳолаш турлари бўйича қуйидагича тақсимланади:

- Ж.Н. – 35 балл; - О.Н. – 35 балл; - Я.Н. – 30 балл.

Талабанинг семестр давомида фан бўйича тўплаган умумий бали ҳар бир баҳолаш турларидан тўпланган баллар йиғиндисига тенг бўлади ва “Низом”да белгиланган тартибда расмийлаштирилади.

«Мутахассислик фанларини ўқитиш методикаси» фани бўйича талабанинг балларда ифодаланган ўзлаштириши қуйидаги **умумий мезонга** асосан аниқланади:

Балл	Баҳо	Талабанинг билим даражаси
86-100	Аъло	Аудит фаолияти билан боғлиқ масалалари(амаллари) бўйича хулоса ва қарор қабул қилиш, ижодий фикрлай олиш, мустақил мушоҳада юритиш, амалда қўллай олиш, моҳиятини тушунтириш, билиш, айтиб бериш, тасаввурга эга бўлиш.
71-85	Яхши	Аудит фаолияти билан боғлиқ масалалари(амаллари) бўйича мустақил мушоҳада юритиш, амалда қўллай олиш, моҳиятини тушунтириш, билиш, айтиб бериш, тасаввурга эга бўлиш.
55-70	Қониқарли	Аудит фаолияти билан боғлиқ масалалар(амаллар) моҳиятини тушунтириш, билиш, айтиб бериш тасаввурга эга бўлиш.
0-54	Қониқарсиз	Аудит фаолияти билан боғлиқ масалалар бўйича аниқ тасаввурга эга эмаслик, билмаслик.

Ж.Н.да фаннинг ҳар бир мавзуси бўйича талабанинг билими ва амалий кўникмаларини аниқлаб бориш, аудитория дарсларидаги давомати ва мустақил таълим вазифаларининг бажарилиш даражаси назарда тутилади ва у амалий машғулотларида амалга оширилади. Талабанинг дарсга давомати, фан мавзулари бўйича билим даражаси\*, мустақил таълим вазифаларини бажариши кафедра профессор-ўқитувчилари томонидан шахсий журналрида хронологик белгилаб борадилар ва уларнинг умумлашган натижаси рейтинг расмийлаштириш давридагина баллар тизимида акс эттирилади. «Мутахассислик фанларини ўқитиш методикаси» фани бўйича Ж.Н.лар 2 марта ўтказилади, Унинг натижалари гуруҳ ва профессор-ўқитувчи журналлари ҳамда деканат қайдномасида қайд этилади.

«Мутахассислик фанларини ўқитиш методикаси» фани бўйича талаба билимини жорий баҳолашнинг рейтинг баллари қуйидаги **мезонга** асосан аниқланади:

Баҳолаш мезонлари	Максимум балл	Минимум балл (саралаш балл)	Шу жумладан баллар					
			Аъло		Яхши		Кониқарли	
			Максимум	Минимум	Максимум	Минимум	Максимум	Минимум
<b>ЖН1 учун</b>								
Дарсга давомати	6	3	6	5	4	4	3	3
Талабанинг билим даражаси*	10	5	10	9	8	7	6	5
Мустақил таълим вазифаларининг бажарилиш	6	3	6	5	4	4	3	3
<b>ЖН2 учун</b>								
Дарсга давомати	6	3	6	6	5	5	4	3
Талабанинг билим даражаси*	10	5	10	9	8	7	6	5
Мустақил таълим вазифаларининг бажарилиш	5	3	5	5	4	4	3	3

\* Талабанинг билим даражаси: аъло(3), яхши(2), кониқарли(1) курсаткичлари билан белгиланиб борилади ва рейтингини расмийлаштириш даврида ўртача кўрсаткич (*ўртача арифметик сони аниқлаш усули билан*) аниқланади, ҳамда юқорида мезонлар асосида балларга айлантрилади.

О.Н.да фаннинг бир неча мавзуларини қамраб олган бўлими ёки қисми бўйича назарий машғулотлар ўтиб бўлингандан сўнг, талабанинг назарий билимлари баҳоланади. Унда талабанинг маъруза дарсларидаги давомати ҳамда муайян саволга жавоб бериш ёки муаммони ечиш маҳорати ва қобилияти тест усули орқали аниқланади. Тестлар бир неча вариантларда гуруҳланган бўлиши, ҳамда бир тестнинг тўғри ечимига балл белгиланиши тавсия этилади. О.Н. маъруза дарсларида амалга оширилиши мумкин. «Мутахассислик фанларини ўқитиш методикаси» фани бўйича О.Н.лар 2 марта ўқув жараёни графигида белгиланган даврда ўтказилади. Унинг натижалари гуруҳ ва профессор-ўқитувчи журналлари ҳамда деканат қайдномасида қайд этилади.

«Мутахассислик фанларини ўқитиш методикаси» фани бўйича талаба билимини оралиқ баҳолашнинг рейтинг баллари қуйидаги *мезонга* асосан аниқланади:

Баҳолаш мезонлари	Максимум балл	Минимум балл (саралаш балл)	Шу жумладан баллар					
			Аъло		Яхши		Кониқарли	
			Максимум-мал	Минимум-мал	Максимум-мал	Минимум-мал	Максимум-мал	Минимум-мал
<b>ОН 1 учун</b>								
Маъруза дарсидаги даволат	4	2	4	4	3	3	2	2
1-4** чи мавзулар бўйича тестлар	10	5	10	9	8	7	6	5

<b>ОН 2 учун</b>								
Маъруза дарсидаги даволат	3	2	3	3	2	2	2	2
5-10** чи мавзулар бўйича тестлар	10	5	10	9	8	7	6	5

\*\* Хар бир семестр учун фандан тасдиқланган технологик харитадаги календар хафталарга тақсимланган мавзулар

Жорий ва оралиқ назоратларнинг ҳар бирига ажратилган баллнинг саралаш бали 55 фоиздан ортиқ балл тўплаган барча талабалар ушбу фан бўйича якуний назоратга киритилади.

«Мутахассислик фанларини ўқитиш методикаси» фанидан якуний назорат ёзма иш ёки оғзаки усулларда, ҳамда гуруҳларида оғзаки асосан таянч тушунча ва ибораларга асосланган шаклида ўтказилади.

«Мутахассислик фанларини ўқитиш методикаси» фанидан якуний назорат учун кейс-масалалар тўплами, таянч тушунча ва ибораларга асосланган саволномалар СИСИ “Банк ва жамғарма иши” кафедраси томонидан ишлаб чиқилган ва ушбу институт Илмий-услубий кенгаши томонидан тасдиқланган бўлиши лозим.

«Мутахассислик фанларини ўқитиш методикаси» фани бўйича талаба билимини якуний баҳолашнинг рейтинг баллари қуйидаги *мезонга* асосан аниқланади:

<b>Баҳолаш мезонлари</b>	<b>Максимал балл</b>	<b>Минимал балл (саралаш балл)</b>	<b>Шу жумладан баллар</b>					
			<b>аъло</b>		<b>яхши</b>		<b>Кониқарли</b>	
			<b>Максимал</b>	<b>Минимал</b>	<b>Максимал</b>	<b>Минимал</b>	<b>Максимал</b>	<b>Минимал</b>
<b>Якуний назорат</b>	30	16	30	26	25	21	20	16

Ж.Н.; О.Н.; Я.Н. жараёнида қўлланиладиган услубий материаллар: мустақил таълим вазифаларини, мавзулар бўйича йиғма тест вариантлари, саволномалар, таянч тушунча ва иборалар тўплами, якуний назорат учун кейс-масалалар вариантлари (гуруҳ сонидан кам бўлмаган ҳолда) ўқув семестри бошида кафедра мудирини томонидан тасдиқланади. Ушбу услубий материаллар «Мутахассислик фанларини ўқитиш методикаси» фани бўйича таълим йўналишлари талабасининг билимини баҳолашнинг рейтинг тизими мезонлари ҳақидаги маълумотлар фан бўйича биринчи машғулотда талабаларга эълон қилинади

### **3. “МУТАХАССИСЛИК ФАНЛАРИНИ ЎҚИТИШ МЕТОДИКАСИ” ЎҚУВ ФАНИ БЎЙИЧА ТАЪЛИМ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШНИНГ КОНЦЕПТУАЛ АСОСЛАРИ**

---

Ўзбекистон ўз истиқлол ва тараққиёт йўлидан ривожланиб, халқаро майдонда ўзининг муносиб ўрнини топмоқда. Давлатимизнинг мустақил тараққиёт йўлини таъминлаш учун ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, маданий ва маърифий соҳаларда чуқур ислохотлар амалга оширилмоқда. Жамият ва инсон манфаатига қаратилган бу ислохотларнинг самараси бевосита таълим тизимида тайёрланаётган мутахассис кадрларнинг салоҳиятига боғлиқдир.

Шу боис мустақилликнинг дастлабки кунларидан бошлаб сифатли кадрлар тайёрлашга қодир миллий асосга қурилган ва жаҳондаги илғор давлатлар таълими тараққиёти тажрибаларига таянадиган кадрлар тайёрлаш тизimini яратиш асосий вазифаларидан бирига айланди. 1997 йилда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги қонуни ва “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури” миллий таълим тараққиёти ва миллий кадрлар тайёрлаш тизими истиқболларини белгиловчи ҳужжат сифатида бу соҳадаги ишларни ривожлантиришда яна бир тарихий давр бошланишига замин яратди.

Кадрлар тайёрлаш Миллий дастурининг иккинчи босқичи таълим жараёнидаги сифат кўрсаткичларини яхшилаш, яъни жаҳон андозаларига мос, рақобатбардош, юқори савияга эга бўлган мутахассислар тайёрлашдир. Ушбу мураккаб муаммоларни ечимини топиб уларни амалда кенг қўллаш олий таълим тизими ходимлари олдида жуда катта вазифалар белгилайди. Бунда аниқ вазифалар сифатида бевосита ўқув жараёнини яхшилаш, ўқув дастурларини янада такомиллаштириш, ўқитишнинг замонавий педагогик технологияларини амалга жорий қилиш, техник воситаларидан кенг фойдаланиш ва шу асосда масофадан ўқитишни кенг жорий қилишдан иборатдир.

Таълим сифати ва усулига қараб билим ҳосил бўлади. Бу ўқитувчининг маҳоратинигина эмас, балки талабанинг истак-хоҳиши, қобилияти ва билим даражасини ҳам белгилайди. Таълим узоқ давом этадиган жараёндир. Билим эса таълимнинг узлуксизлиги воситасида бериладиган мавҳум тушунчага эга бўлган ҳодисадир. Билим хусусийликка эга бўлса, таълим умумийликка эгадир. Таълим барча учун бир хилда давом этадиган жараён. Билим объектив борлиқдаги воқеа-ҳодисаларнинг инъикоси натижасида инсон миёсидаги мушоҳадалар ва тасаввурлар натижасида ҳосил бўладиган тушунчалар йиғиндиси сифатида намоён бўлади. Таълимдаги сифат уни беришда иштирок этадиган кишилар сифати билан белгиланса, билим индивидуалликка эга бўлади. Таълимни амалга оширадиган ёки дарс берадиган кишиларнинг савияси турлича бўлиши мумкин. Лекин гуруҳдаги

талабаларга бериладиган таълим бир хилдир. Ўқитувчи билим эмас, балки таълим беради. Талаба эса ана шу таълим жараёнида билимга эга бўлади. Бунинг учун у мустақил ўқийди, тайёрланади, мушоҳада қилади, тасаввурларга эга бўлади, эшитганлари ва ўқитганларини синтез қилади. Натижада билимга эга бўлади.

Ўқув жараёни билан боғлиқ таълим сифатини белгиловчи ҳолатлар қуйидагилар: юқори илмий-педагогик даражада дарс бериш, муаммоли маърузалар ўқиш, дарсларни савол-жавоб тарзида қизиқарли ташкил қилиш, илғор педагогик технологиялардан ва мультимедиа қўлланмалардан фойдаланиш, тингловчиларни ундайдиган, ўйлантирадиган муаммоларни улар олдига қўйиш, талабчанлик, тингловчилар билан индивидуал ишлаш, ижодкорликка ундаш, эркин мулоқот юритишга, ижодий фикрлашга ўргатиш, илмий изланишга жалб қилиш ва бошқа тадбирлар таълим устуворлигини таъминлайди.

Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда «Мутахассислик фанларини ўқитиш методикаси» ўқув курси бўйича таълим технологиясини лойиҳалаштиришдаги асосий концептуал ёндошувларни келтирамиз:

**Шахсга йўналтирилган таълим.** Бу таълим ўз моҳиятига кўра таълим жараёнининг барча иштирокчиларини тўлақонли ривожланишларини кўзда тутаяди. Бу эса таълимни лойиҳалаштирилаётганда, албатта, маълум бир таълим олувчининг шахсини эмас, аввало, келгусидаги мутахассислик фаолияти билан боғлиқ ўқиш мақсадларидан келиб чиққан ҳолда ёндошилишини назарда тутаяди.

**Тизимли ёндошув.** Таълим технологияси тизимнинг барча белгиларини ўзида мужассам этмоғи лозим: жарённинг мантиқийлиги, унинг барча бўғинларини ўзаро боғланганлиги, яхлитлиги.

**Фаолиятга йўналтирилган ёндошув.** Шахснинг жараёнли сифатларини шакллантиришга, таълим олувчининг фаолиятни активлаштириш ва интенсивлаштириш, ўқув жараёнида унинг барча қобилияти ва имкониятлари, ташаббускорлигини очишга йўналтирилган таълимни ифодалайди.

**Диалогик ёндошув.** Бу ёндошув ўқув жараёни иштирокчиларнинг психологик бирлиги ва ўзаро муносабатларини яратиш заруриятини билдиради. Унинг натижасида шахснинг ўз-ўзини фаоллаштириши ва ўз-ўзини кўрсата олиши каби ижодий фаолияти кучаяди.

**Ҳамкорликдаги таълимни ташкил этиш.** Демократлилик, тенглик, таълим берувчи ва таълим олувчи ўртасидаги субъектив муносабатларда ҳамкорликни, мақсад ва фаолият мазмунини шакллантиришда ва эришилган натижаларни баҳолашда биргаликда ишлашни жорий этишга эътиборни қаратиш зарурлигини билдиради.

**Муаммоли таълим.** Таълим мазмунини муаммоли тарзда тақдим қилиш орқали таълим олувчи фаолиятини активлаштириш усуллари билан бирийдир. Бунда илмий билимни объектив қарама-қаршилиги ва уни ҳал этиш усулларини, диалектик

мушоҳадани шакллантириш ва ривожлантиришни, амалий фаолиятга уларни ижодий тарзда қўллашни мустақил ижодий фаолияти таъминланади.

**Ахборотни тақдим қилишнинг замонавий воситалари ва усулларини қўллаш** – янги компьютер ва ахборот технологияларини ўқув жараёнига қўллаш.

Келтирилган концептуал йўриқларга асосланган ҳолда, «Мутахассислик фанларни ўқитиш методикаси» курсининг мақсади, тузилмаси, ўқув ахборотининг мазмуни ва ҳажмидан келиб чиққан ҳолда, маълум шароит ва ўқув режасида ўрнатилган вақт оралиғида ўқитишни, коммуникацияни, ахборотни ва уларни биргаликдаги бошқаришни кафолатлайдиган усуллари ва воситалари танлови амалга оширилди.

**Ўқитишнинг усуллари ва техникаси.** Маъруза (кириш, мавзуга оид, визуаллаш), муаммовий усул, кейс-стади, пинборд, парадокслар ва лойиҳалар усуллари, амалий ишлаш усули.

**Ўқитишни ташкил этиш шакллари:** диалог, полилог, мулоқот ҳамкорлик ва ўзаро ўрганишга асосланган фронтал, жамоавий ва гуруҳ.

**Ўқитиш воситалари** ўқитишнинг анъанавий шакллари (дарслик, маъруза матни) билан бир қаторда - компьютер ва ахборот технологиялари.

**Коммуникация усуллари:** талабалар билан оператив тескари алоқага асосланган бевосита ўзаро муносабатлар.

**Тескари алоқа усуллари ва воситалари:** кузатиш, блиц-сўров, оралик, жорий ва якуний баҳолаш натижаларининг таҳлили асосида ўқитиш диагностикаси.

**Бошқариш усуллари ва воситалари:** ўқув машғулоти босқичларини белгилаб берувчи технологик карта кўринишидаги ўқув машғулотларини режалаштириш, қўйилган мақсадга эришишда ўқитувчи ва тингловчининг биргаликдаги ҳаракати, нафақат аудитория машғулотлари, балки аудиториядан ташқари мустақил ишларнинг назорати.

**Мониторинг ва баҳолаш:** ўқув машғулотида ҳам бутун курс давомида ҳам ўқитишнинг натижаларини режали тарзда кузатиб бориш. Курс охирида тест топшириқлари ёрдамида талабаларнинг билимлари баҳоланади.





## МАЪРУЗА, СЕМИНАР ВА АМАЛИЙ МАШҒУЛОТЛАРДА ТАЪЛИМ ТЕХНОЛОГИЯСИ

### 1-МАВЗУ. “МУТАХАССИСЛИК ФАНЛАРИНИ ЎҚИТИШ МЕТОДИКАСИ” ФАНИНИНГ ПРЕДМЕТИ, МЕТОДИ ВА ОБЪЕКТЛАРИ

(Маъруза – 2 соат, амалий машғулот – 2 соат)

#### 1.1. Маърузани олиб бориш технологияси

<i>Машғулот шакли</i>	Кириш-мавзу бўйича маъруза
<i>Дарс вақти: 2 соат</i>	<i>Талабалар сони: 25-30 нафаргача</i>
<i>Маъруза режаси</i>	<p>1. “Мутахассислик фанларини ўқитиш методикаси” фани ва унинг аҳамияти. Фаннинг предмети ва объекти.</p> <p>2. “Мутахассислик фанларини ўқитиш методикаси” <i>фанининг методи</i>.</p> <p>3. “Мутахассислик фанларини ўқитиш методикаси” фанида анализ, синтез, индукция, дедукция ва бошқа усулларнинг қўлланилиши.</p> <p>4. “Мутахассислик фанларини ўқитиш методикаси” фанининг “Тижорат банк ресурсларини бошқариш”, “Нақд пулсиз ҳисоб китоблар ва тўлов тизими”, “Банк рисклари”, “Монетар сиёсат”, “Халқаро валюта операциялари ва ҳисоб китоблар” ва “Хорижий мамлакатларда банк иши” фанлари билан ўзаро боғлиқлиги.</p>
<i>Ўқитиш мақсади:</i> “Мутахассислик фанларини ўқитиш методикаси” фанининг педагогик фанлар тизимида тутган ўрни, Ўзбекистон Республикаси «Таълим тўғрисида»ги Қонуни ҳамда Ўзбекистон Республикаси Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг мазмуни ва моҳияти, мутахассислик фанлари ва уларнинг таснифи тўғрисидаги билимларини мустаҳкамлаш.	
<i>Педагогик вазифалар:</i>	<i>Ўқув фаолияти натижалари:</i>
методика тушунчаси, унинг мазмуни ва моҳияти билан таништириш	Ўқитиш методикаларининг келиб чиқиши, унинг ривожланиш бошқичларини айтиб бера оладилар
Ўқитиш методларининг турлари ва шаклларини тушунтириш	Ўқитиш методларининг турлари ва шаклларини бир биридан фарқлай оладилар
“Мутахассислик фанларини ўқитиш методикаси” фанининг методларини тушунтириш.	Талабалар анчагина ахборотга эга бўладилар.
“Мутахассислик фанларини ўқитиш методикаси” фанининг	Талабалар ёзиб оладилар.

“Тижорат банк ресурсларини бошқариш”, “Нақд пулсиз ҳисоб китоблар ва тўлов тизими”, “Банк рисклари”, “Монетар сиёсат”, “Халқаро валюта операциялари ва ҳисоб китоблар” ва “Хорижий мамлакатларда банк иши” билан таништиради ва мазмунини ўргатади	
Ўзбекистон Республикаси «Таълим тўғрисида»ги Қонуни ҳамда Ўзбекистон Республикаси Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг мазмуни ва моҳияти ҳақида батафсил маълумот беради	« Таълим тўғрисида»ги Қонун ҳақида тушунчага эга бўлади, ва унинг мазмунини айтиб бера олади
<i>Ўқитиш усуллари</i>	Маъруза, намойиш, блиц-сўров, пинборд техникаси, тест, савол-жавоб
<i>Ўқитиш шакллари</i>	Фронтал, жамоавий иш
<i>Ўқитиш воситалари</i>	Маъруза матни, компьютер слайдлари, доска
<i>Ўқитиш шароити</i>	Техник ва гуруҳларда ишлаш учун жиҳозланган аудитория
<i>Мониторинг ва баҳолаш</i>	Оғзаки назорат: блиц – сўров, назорат саволлари

### Маърузанинг технологик картаси

Иш босқичлари	Фаолият мазмуни	
	Ўқитувчи	Талаба
1-босқич. Мавзуга кириш қисми (5-10 дақиқа)	1.1. Маъруза мавзусини айтади ва ушбу мавзуга тегишли бўлган маъруза матни тарқатилади. 1.2. Ушбу мавзуга оид асосий саволлар, танияч сўз ва ибораларга изоҳ берилади. 1.3. Мавзу бўйича рейтинг баҳолаш тизими ва жорий, оралиқ ҳамда якуний баҳолаш мезонлари билан таништиради (1-илова). Мустақил тайёрланиш учун асосий адабиётлар рўйхати тақдим этилади. 1.4. Биринчи мавзу, ўқув фаолиятининг мақсади ва натижаларини айтади.	Тинглайди.  Тинглайди ва ёзиб олади.  Тавсия этилаётган адабиётлар рўйхати ва интернетдаги сайтларни ёзиб оладилар.  Тинглайди ва мавзунини ёзиб олади. Қаранг ЎММ
2-босқич. Асосий қисм (60-65 дақиқа)	2.1. Дарснинг мақсади, педагогик вазибалари ва ўқув фаолиятининг натижаларидан келиб чиққан ҳолда ушбу мавзуда қандай масалалар ўрганиб чиқилишини ўйлаш ва жавоб бериш таклиф қилинади (2-илова).	Талабалар қўйилган саволларга жавоб берадилар ва ёзиб борадилар.  Қаранг ЎММ.

	<p>2.2. Мавзу бўйича маъруза матни тарқатилади ва унинг режаси, таянч сўз ва иборалар билан танишиш тавсия этилади.</p> <p>2.3. Мавзу режасининг саволларига оид назарий асослар Power Point режимда ёки слайд (3-илова) кўринишида кўрсатилади ва изоҳланади.</p> <p>Ҳар бир банд бўйича хулоса қилинганда, муҳим жиҳатларига эътиборни жалб қилади.</p>	<p>Тинглайди.</p> <p>Тарқатма материаллар тўпламида келтирилмаган қирраларини конспект қилиб борадилар.</p> <p>Саволлар беради</p>
<p>3-босқич.</p> <p>Яқуний қисм (5-10 дақиқа)</p>	<p>3.1. Мавзунинг биринчи қисми бўйича хулоса қилинади.</p> <p>3.2. Талабаларнинг фаолияти таҳлил қилинади ва баҳоланади ҳамда кўзланган мақсадга эришилганлик даражаси аниқланади.</p> <p>3.3. Талабаларнинг саволларига жавоб берилади.</p> <p>3.4. Мустақил ишлаш учун топшириқлар берилади (4-илова). Мавзунинг давомини Инсерт усулидан фойдаланиб ўқиш ва керакли белгиларни белгилаш вазифаси берилади (5-илова).</p>	<p>Саволлар беради</p> <p>Мустақил ишлаш учун топшириқларни ёзиб олади.</p> <p>Қаранг ЎММ</p>

## 1-илова

### «Махсус фанларни ўқитиш методикаси» ўқув фани бўйича рейтинг:

Фан бўйича максимал балл	-100
шу жумладан:	
- жорий баҳолаш	- 35
- оралиқ баҳолаш	-35
- яқуний баҳолаш	-30
- саралаш балли	-55

### Баҳолаш мезони

Ўзлаштириш %	Тўплаши лозим бўлган баллар	Баҳо
86% - 100%	86 – 100 балл	5 (аъло)
71% - 85%	71 – 85 балл	4 (яхши)
55% - 70%	55 – 70 балл	3 (қониқарли)
0 – 54%	0 – 54 балл	2 (қониқарсиз)

Ҳар бир маъруза ва амалий машғулотда талаба 3,3 баллгача баҳо олиши мумкин.

Рейтинг бўйича баҳолаш натижалари:

2,8 балл – «аъло»

2,3 балл – «яхши»

1,8 балл – «қониқарли»  
1,7 баллгача – «қониқарсиз»

2-илова

### Назорат ва муҳокама учун саволлар

1. «Махсус фанларни ўқитиш методикаси» фанининг предмети, объекти ва унинг аҳамиятини тавсифлаб беринг.
2. «Махсус фанларни ўқитиш методикаси» фанининг методлари ва фанда анализ, синтез, индукция, дедукция ва бошқа усулларнинг қўлланилиши хусусида гапириб беринг.
3. «Махсус фанларни ўқитиш методикаси» фанининг “Тижорат банк ресурсларини бошқариш”, “Нақд пулсиз ҳисоб китоблар ва тўлов тизими”, “Банк рисклари”, “Монетар сиёсат”, “Халқаро валюта операциялари ва ҳисоб китоблар” ва “Хорижий мамлакатларда банк иши” фанлари билан ўзаро боғлиқлигини тушунтириб беринг.


3-илова

### Маърузанинг мазмуни бўйича кўргазмалли слайдлари


1-слайд



**Махсус фанларни ўргатиш учун ўқув мақсадларини белгилаш лозим**



**Ўқув мақсадларнинг классификацияси**







**Ўз-ўзини текшириш учун саволлар**

1. «Махсус фанларни ўқитиш методикаси» фанининг предмети, объекти ва унинг аҳамиятини тавсифлаб беринг.
2. «Махсус фанларни ўқитиш методикаси» фанининг методлари ва фанда анализ, синтез, индукция, дедукция ва бошқа усулларнинг қўлланилиши хусусида гапириб беринг.
3. «Махсус фанларни ўқитиш методикаси» фанининг “Тижорат банк ресурсларини бошқариш”, “Нақд пулсиз ҳисоб китоблар ва тўлов тизими”, “Банк рисклари”, “Монетар сиёсат”, “Халқаро валюта операциялари ва ҳисоб китоблар” ва “Хорижий мамлакатларда банк иши” фанлари билан ўзаро боғлиқлигини тушунтириб беринг.

**Инсерт техникасидан фойдаланиш қондаси**

1. Маъруза матнни ўқинг ва унинг хошиясида қуйидаги белгиларни белгиланг:  
 V – мавжуд билим (ахборот)га мос келади  
 + (плюс) – янги ахборот ҳисобланади  
 - (минус) – мавжуд бўлган билимга мос келмайди  
 ? – тушунарсиз/аниқлаш талаб қилинадиган/ қўшимча ахборот
2. Олинган маълумотларни қуйидаги жадвал кўринишда бир тизимга келтиринг:

Мавзу саволлари	v	+	-	?
1				
2				
3				
4				

**Мавзунини жонлантириш учун саволлар**

1. Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги Қонуни ва Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг мазмунини тушунтириб беринг.
2. Махсус фанлар таркибига қандай фанлар киритилади?
3. Метод ва фанни ўқитиш методикаси нима?
4. “Махсус фанларни ўқитиш методикаси” фанининг қандай методлари мавжуд?

**Мустақил ишлаш учун назорат саволлари:**

1. “Махсус фанларни ўқитиш методикаси” фанининг объект ва субъектлари ҳамда предмети деганда нимани тушунарсиз?
2. Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги Қонуни ва Ўзбекистон Республикаси Кадрлар тайёрлаш миллий дастури қачон қабул қилинган?
3. “Махсус фанларни ўқитиш методикаси” фанининг бошқа фанлар билан фарқи ва ўхшаш жиҳатларини тавсифлаб беринг?



## 1.2. Амалий машғулотни олиб бориш технологияси

<i>1-мавзу</i>	Инвестиция ҳақида тушунча ва унинг турлари
<i>Дарс вақти: 2 соат</i>	<i>Талабалар сони: 25 нафаргача</i>
<i>Машғулот шакли</i>	Амалий машғулот
<i>Амалий машғулот режаси</i>	<p>1. «Махсус фанларни ўқитиш методикаси» фанининг предмети, объекти ва унинг аҳамияти хусусида талабалар билан суҳбат.</p> <p>2. «Махсус фанларни ўқитиш методикаси» фанининг методлари ва фанда анализ, синтез, индукция, дедукция ва бошқа усулларнинг қўлланилиши хусусида талабалар билан илмий мунозара ташкил этиш.</p> <p>3. «Махсус фанларни ўқитиш методикаси» фанининг “Тижорат банк ресурсларини бошқариш”, “Нақд пулсиз ҳисоб китоблар ва тўлов тизими”, “Банк рисклари”, “Монетар сиёсат”, “Халқаро валюта операциялари ва ҳисоб китоблар” ва “Хорижий мамлакатларда банк иши” фанлари билан ўзаро боғлиқлиги бўйича талабалар билан суҳбат.</p> <p>4. «Махсус фанларни ўқитиш методикаси» фанининг предмети, методи ва объектларига доир тест вариантлари ва масалалар ечиш.</p>
<i>Ўқитиш мақсади:</i> педагогиканинг мазмуни ва моҳияти, турлари ва шакллари, унинг иқтисодиётда тутган ўрни, Ўзбекистон Республикаси «Таълим тўғрисида»ги Қонуни мазмуни ва моҳияти, педагогик методлар ва уларнинг таснифини тўғрисидаги билимларини мустаҳкамлаш.	
<i>Педагогик вазифалар:</i>	<i>Ўқув фаолияти натижалари:</i>
Педагогик фаолиятда махсус фанларни ўқитиш методикаси фанининг мазмунини тушунтиради	Талабалар асосий жойларини ёзиб оладилар
Методология тушунчаси, унинг мазмуни ва моҳиятини тушунтиради	Талабалар метод ва методология тушунчаси, унинг мазмуни ва моҳияти ҳақида тушунчага эга бўладилар.
Метод ва методологиянинг турлари ва шакллари, унинг соҳаларини тушунтиради	Талабалар методларнинг турлари ва шакллари ҳақида билимга эга бўладилар.

Педагогик фаолиятни тартибга солиб турувчи меъёрий ҳужжатлар билан таништиради ва мазмунини ўргатади	Талабалар «Таълим тўғрисида»ги Қонуни ҳақида тушунчага эга бўлади, ва унинг мазмунини айтиб бера оладилар.
Махсус фанлар ҳақида тушунча ва унинг таснифини ёритиб беради	Талабалар махсус фанларни бир биридан фарқлай оладилар.
<i>Ўқитиш усуллари</i>	Сухбат, блиц-сўров, мунозара методи
Ўқитиш шакллари	Фронтал, жамоавий, гуруҳларда ишлаш
Ўқитиш воситалари	Маъруза матни, компьютер слайдлари, доска, скотч, ЎММ
Ўқитиш шароити	Техник ва гуруҳларда ишлаш учун жиҳозланган аудитория
Мониторинг ва баҳолаш	Оғзаки назорат: блиц – сўров, назорат саволлари

### Амалий машғулотнинг технологик картаси

Иш бос-кичлари	Фаолият мазмуни	
	Ўқитувчи	Талаба
Тайёрлов босқич	Ўқув мақсадларидан келиб чиққан ҳолда табақалаштирилган тестларни ишлаб чиқади (1-илова).	
1-Босқич. Машғулотнинг кириш қисми (10 дақиқа)	1.1. Машғулот мавзуси, унинг мақсадлари ва режалаштирилган натижаларни айтади, уларнинг аҳамияти ва долзарблигини асослайди. 1.2. Талабаларнинг билимларини сухбат шаклидаги саволлар бўйича жонлаштиради (2-илова). Текшириш жараёнида талабаларнинг билимлари ўқув муаммони ҳал қилишда ва машғулот давомида фаол қатнашишда етарлилигини аниқлайди.	Тинглайди. Қаранг ЎММ  Саволларга жавоб берадилар
2-Босқич Асосий қисм (60 дақиқа)	2.1.Ўқув топшириқларни беради, уларни бажариш йўлларини талабалар билан муҳокама қилади. Ишнинг якуни бўйича қандай натижалар кутилаётганлигини айтади. Гуруҳларда ишларни бажариш натижаларини қандай шаклда тақдим қилишни айтади. Ҳар бир талаба ва гуруҳни баҳолаш мезонларини тушунтиради (3-илова). 2.2. Талабаларни мини-гуруҳларга бўлади. Гуруҳларга топшириқларни тарқатади.	Топшириқларни муҳокама қиладилар  Ўқув материаллари билан танишадилар  Мини-гуруҳларга бўлинадилар

	<p>Топшириқларни бажариш учун яна қандай қўшимча материаллардан фойдаланиш мумкинлигини тушунтиради.</p> <p>2.3. Гуруҳ топшириқларини бажариш бўйича йўриқномани доскада намойиш қилинади ва талабалар билан муҳокама қилинади.</p> <p>2.4. Гуруҳда ишлашни ташкил қилади. Назоратчи сифатида иштирок этади. Бунда: гуруҳ ишларини назорат қилади, бироқ уларни бошқармайди; аниқ топшириқни бажариш учун зарур бўлган кўникмаларни шакллантириш мақсадида якка ишлашга эътиборни қаратади. Топшириқ қанчалик бажарилганлигини билим мақсадида очик саволларни беради: «Нима учун сиз шундай ўйлаяпсиз?», «Нега айнан шу метод?»; талабалар ишларини изоҳлайди. Аниқ танбехлар беради.</p> <p>2.6. Презентацияни бошлашни айтади. Бажарилган иш натижаларини эълон қилиш ва баҳолаш учун гуруҳ вакилларини тайинлайди.</p> <p>2.7. Гуруҳ ишларининг натижаларини ўзаро текширишни ташкил қилади (4-илова).</p>	<p>Гуруҳда ишлашни режалаштиради.</p> <p>Гуруҳ ичида саволларни тақсимлайдилар. Уларни якка тартибда бажарадилар.</p> <p>Якка тартибда эришган натижаларни муҳокама қиладилар.</p> <p>Гуруҳ бўйича умумий натижаларни шакллантиради ва презентацияга тайёрлайди.</p> <p>Гуруҳ вакиллари</p> <p>Гуруҳ вакиллари иш натижаларини эълон қилади</p> <p>Ўзаро билимларни текшириш учун ҳар бир гуруҳ саволларни тайёрлайди ва беради.</p>
--	--	--

**ТЕСТ ТОПШИРИҚЛАРИ**

**1. Ҳамма талаблар ҳам дарсга фаол қатнашмаслиги мумкин, лекин уларнинг қайси бири эканлигини аниқлаш қийин, дарс ўтиш методини кўрсатинг?**

- а) савол-жавоб;
- б) тадқиқот;
- в) мунозара;
- г) \*кичик гуруҳлар бўлиниб дарс ўтиш.

**2. Нима сабабдан дарсда турли ўқув методларини қўллаш зарурияти қайси жавобда нотўғри берилган?**

- а) ахборот оқими катта;
- б) талабаларнинг қобилияти, хислатлари турлича;
- в) эшитиш, кўриш, ўзи қатнашиш орқали ахборотларни қабул қилиб, қайта тиклаш қобилияти турлича;
- г) \*одоб сақлашларини таъминлаш.

**3. Дарс ўтиш методларини танлаш мезонларини кўрсатинг?**

- а) \*дарс мавзуси, қўйилган мақсад, дидактик вазифалар, ажратилган вақт, моддий техник имконият, таълим берувчининг тажрибаси, гуруҳ талабаларининг иқтидорлиги даражаси;
- б) дарс мавзуси, қўйилган мақсад, дидактик вазифалар, моддий-техник имконият, дарс берилаётган вақт;
- в) дидактик вазифалар, ажратилган вақт, моддий-техник имконият, гуруҳ талабаларининг иқтидори;
- г) дарс мавзуси, дидактик вазифалар, қўйилган мақсад, дарс берувчининг тажрибаси.

**4. Психологлар фикрича маъруза, доклад қилиш усули орқали ўқувчилар олинган ахборотни неча фоизини эслаб хотираларида тиклай оладилар?**

- а) 7%;
- б) \*5%;
- в) 10%;
- г) 8%.

**5. Ўқувчи., талабалар мунозара орқали олган ахборотларини неча фоизини эслаб хотирада тиклай оладилар?**

- а) 35%;
- б) 50%;
- в) 45%;
- г) \*40%.

**6. Бошқаларни ўқитганларимизни қай даражада хотирада сақлаб қоламиз?**

- а) 100%;
- б) \*90%;

- в) 85%;
- г) 95%.

**7. Анъанавий ўқитиш методларида ўқитувчининг асосий ролини кўрсатинг?**

- а) \*билимлар узатувчиси, ўрганилаётган материални ўзлаштириш мақсадида ўқув жараёнининг ташкилотчиси;
- б) талабаларни қобилиятига кўра дарс беришни ташкил этувчи;
- в) ўқувчи, талабаларни мустақил ўқишини таъминловчи;
- г) ёшларни мустақил ижодий фикрлашга ўргатувчи.

**8. Қайси методда дарс ўтиш талабаларнинг барчасини қобилияти жихатидан бир-бирига яқин бўлишини ва фикрлашнинг даражаси юқори бўлишини, ўқитувчидан чуқур-чуқур билим ва талант талаб қилади?**

- а) моделлаштирувчи ўйинлар методи;
- б) «ақлий ҳужум» методи;
- в) \*тадқиқот методи;
- г) мунозара методи.

**9. «Ақлий ҳужум» методи асосида дарс ўтишни мантиқий изчилликдаги босқичларини кўрсатинг?**

- а) \*муаммо, мунозарали савол қўйиш, муҳокамага талабаларни жалб этиш, билдирилган фикрларни тўплаш, уларни саралаш, гуруҳларга ажратиш, таҳлил қилиш, энг мақбул, самарали ечимни танлаш;
- б) муҳокамага талабаларни жалб этиш, муаммо, мунозарали савол қўйиш, самарали ечимни танлаш;
- в) муаммо, мунозарали савол қўйиш, муҳокама қилиш, самарали ечимини танлаш;
- г) муаммо, мунозарали савол қўйиш, фикрларни тўплаш, уларни саралаш, гуруҳларга ажратиш, таҳлил қилиш, мақбул, самарали ечимни танлаш.

**10. Иқтисодий фанлардан дарс беришда қайси метод амалиёт йўналишга эга ва талабалар билимини назорат қилишнинг самарали усули ҳисобланади?**

- а) ақлий ҳужум методини қўллаш;
- б) тестлар ечими;
- в) машқлар ечими;
- г) \*масала, машқлар ечиш.

**11. Кичик гуруҳларга бўлиб дарс ўтиш методининг асосий хусусияти?**

- а) \*иқтисодий ҳамкорлик, бевосита бир-бирига таъсир кўрсатиш, ахборотларни гуруҳ бўлиб биргаликда ишлаш;
- б) талабаларнинг биргаликда ишлаши;
- в) уйга берилган топшириқни бажариш;
- г) масала, машқлар ечиш имконияти кенглиги.

**12. Моделлаштирувчи ўйин методи бўйича дарс ўтишда ўқитувчининг асосий роли?**

- а) талабаларни назорат қилиш;
- б) ўйинда қатнашиш;

- в) тарқатиладиган материаллар тайёрлаш;
- г) \*дарсни ташкил этиш.

**13. Таълимга уч хил ёндашув деганда қандай ёндашувларни тушунамиз?**

- а) тушунтирув-кўрганзмали ёндашув, анъанавий ёндашув, технологик ёндашув;
- б) \*тушунтирув-кўрганзмали ёндашув, анъанавий ёндашув, технологик ёндашув, изланувчан ёндашув;
- в) технологик ёндашув, изланувчан ёндашув, тадқиқий ёндашув;
- г) тушунтирув-кўрганзмали ёндашув, тушунтирув-нелюстратив ёндашув, технологик ёндашув.

**14. Кадрлар тайёрлаш миллий моделининг асосий таркибий қисмлари нималардан иборат?**

- а) \*шахс, узлуксиз таълим, фан, ишлаб чиқариш, давлат ва жамият;
- б) шахс, узлуксиз таълим, фан, ишлаб чиқариш, касаба уюшмалари;
- в) шахс, олий таълим, фан, ишлаб чиқариш, давлат ва жамият;
- г) шахс, ўрта махсус таълим, фан, ишлаб чиқариш, давлат ва жамият.

**15. ЎМҚХТ тизимига қуйидагилар киради?**

- а) \*академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари;
- б) касб-ҳунар коллежлари;
- в) академик лицей;
- г) ўрта мактаб, касб-ҳунар коллежлари.

**16. Таълим воситалари қандай гуруҳларга бўлинади?**

- а) техник воситалар, ўқув қўлланмалари;
- б) техник воситалар, ўқув-услугий қўлланмалар;
- в) реал воситалар, техник воситалар;
- г) \*чоп этилган ўқув материаллари, техник воситалар.

**17. Қайси усуллар иқтисодий таҳлилнинг анъанавий усуллари бўлиб ҳисобланади?**

- а) таққослаш ва иқтисодий математик усуллар;
- б) занжирли ва балансли боғланиш, интеграл усуллари;
- в) таққослаш, гуруҳлаштириш ва назарий ўйин;
- г) \*таққослаш, гуруҳлаштириш, занжирли боғланиш ва баланс.

**18. Иқтисодий таҳлилни ўтказишдаги кетма-кетлик қандай кўринишга эга?**

- а) маълумот тўплаш ва қайта ишлаш, таҳлил, таклифлар билдириш;
- б) таҳлил ўтказиш режасини тузиш ва бажариладиган вазифаларни тақсимлаш;
- в) \*таҳлил ўтказиш режасини тузиш, маълумот тўплаш, таҳлил, ўзгаришларни аниқлаш, таклифлар билдириш;
- г) якуний хулосалар келтириш;

**19. Методология деганда нимани тушунаси?**

- а) ўқитувчининг педагогик моҳирлигини шакллантириш;
- б) дарс ўтиш услубларининг мажмуи;
- в) \*фаолиятнинг таркибий, мантикий тузилиши ва уни ўрганишнинг метод ва воситалари ҳақидаги таълимот;
- г) дарс ўтиш жараёнини ташкил этиш.

**20. Методика деганида нимани тушунамиз?**

- а) методика бу - фанни ўрганиш;
- б) методика бу - фанни тушунтириш усуллари;
- в) \*методика бу - бирор ишни бажариш, амалга ошириш, адо этиш усулларининг мажмуи ўқув жараёнини ташкил қилиш шакллари, усуллари, қонун-қоидалари ва уларни ўрганадиган фан;
- г) илмий билиш усули.

**21. Метод деганда нимани тушунамиз?**

- а) табиат, жамият ва ходисаларни билиш, ташкил қилиш;
- б) бирон ишни бажариш, адо этиш, амалга ошириш усули;
- в) фанни ўрганиш услуги яъни усуллари тизими;
- г) \*фанни билиш, идрок этиш ҳамда ўрганиш услуги ва усуллари.

**22. Дарс бериш, методикасини предмети бу - ...**

- а) \*дарс бериш, ўқитиш жараёнининг ўзидир;
- б) талабалар билан ўқитувчи ўртасидаги муносабат;
- в) талабалар ўртасидаги муносабат;
- г) талабаларнинг билим олишга интилишини ўрганиш.

**23. Дидактика бу -**

- а) талабалар ўртасидаги алоқа;
- б) таълимнинг мазмуни ва унинг умумий метод ва шакллари ҳақидаги бўлими;
- в) \*педагогиканинг билим олиш, таълим ва тарбия назариясига оид соҳаси;
- г) талабалар билан ўқитувчилар ўртасидаги алоқа, муносабат.

**24. Дидактика (таълим бериш)нинг асосий тамойиллари қайсилари?**

- а) илмий ва объективлик; назария билан амалиёт боғлиқлиги; талабаларнинг пухта билим олишларини таъминлаш;
- б) мутахассислар тайёрлашда изчиллик ва тизимли ёндашиш;
- в) ўқув жараёнида талабаларнинг онглигилиги, фаоллиги ва мустақиллиги;
- г) \*абстракт тафаккурни ўқитишда кўрғазмалилик билан қўшиб олиб бориш; илмий билимларни талабабоплиги (тушунарли бўлиши)ни таъминлаш; ўқув жараёнининг ҳамма шаклларида ўқитиш билан тарбия бериш бирлиги.

**25. Дарс беришнинг объектив томонлари ўз ичига нималарни олади?**

- а) \*шу фаннинг мазмуни, хусусиятлари;
- б) ўқув-тарбия жараёнида аишлатиладиган услублари;
- в) амалий тайёргарлик даражаси;
- г) услубий тайёргарлик даражаси.

**26. Дарс беришнинг субъектив томонларига нималар киради?**

- а) \*шу фанни ўқитувчи томонидан ўзлаштириш, методик жиҳатдан тайёргарлик даражаси, дарс жараёнида қўллай билиши;
- б) шу фаннинг хусусиятлари;
- в) шу фаннинг мазмуни;
- г) дарс беришнинг шакли.

**27. Америкалик педагог Бенжамин Блум билим олиш (когнитив) даражасини иерархик тарзда қандай босқичларга бўлади?**

- а) олинган билимни ёдда сақлаш, тушуниш, қўллаш, ахборот тарзида бошқаларга етказиш, таҳлил қилиш;
- б) \*олинган билимни ёдда сақлаш, тушуниш, қўллаш, таҳлил қилиш, синтез қилиш, баҳолаш;
- в) олинган билимни ёдда сақлаш, таҳлил қилиш, хулоса чиқариш;
- г) олинган билимни тушуниш, таҳлил қилиш, баҳолаш.

**28. Ўқитувчилик касби, меҳнати, маҳоратининг ўзига хослиги шунингдек....**

- а) аввал ўйлаб, сўнгра гапирилади;
- б) нутқ сўзлашга моҳирлик, воизликни талаб қилиди;
- в) \*дарс бериш жараёнида фикрлаш, ўйлаш билан уни баён қилиш, гапириш жараёни қўшилиб, бир вақтда юз беради;
- г) чуқур билимга эга бўлишни талаб қилади.

**3-илова**

**Билимларни чуқурлаштириш учун саволлар**

- 1. “Махсус фанларни ўқитиш методикаси” фанининг объект ва субъектлари ҳамда предмети деганда нимани тушунасиз?
- 2. Инвестиция фаолияти объектларини туркумлаб беринг.
- 3. Инфляциянинг инвестицион фаолиятга таъсирини аниқланг.
- 4. Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги Қонуни ва Ўзбекистон Республикаси Кадрлар тайёрлаш миллий дастури қачон қабул қилинган?
- 5. “Махсус фанларни ўқитиш методикаси” фанининг бошқа фанлар билан фарқли ва ўхшаш жиҳатларини тавсифлаб беринг?
- 6. Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги Қонуни ва Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг мазмунини тушунтириб беринг.

**4-илова**

**Гуруҳ ишларини баҳолаш жадвали**

Гуруҳ	Жавобнинг тўлиқлиги, аниқлиги (1,0)	Тақдим қилинган ахборотнинг кўргазмалиги (0,5)	Ҳар бир гуруҳ аъзосининг фаоллиги (0,5)	Умумий балл суммаси	Баҳо
1					
2					
3					
4					
5					



Ҳар бир гуруҳ бошқа гуруҳнинг презентация маълумотларини баҳолаш мезонларига қараб баҳолайди. Гуруҳ бўйича олинган баҳо, ҳар бир гуруҳ аъзоси ўртасида аниқланиб баҳоланади: 1,5 – 2 баллар - «аъло»; 1,0 – 1,4 – «яхши»; 0,5 – 0,9 баллар – «қониқарли»; 0 – 0,4 баллар – «қониқарсиз».

## 5-илова

### Мунозара қатнашчисига эслатма

1. Мунозара муаммони ҳал қилиш усули ҳисобланади, муносабатларни эмас.
2. Кўп гапирма, бошқаларга ҳам ўз фикрини билдиришга имкон бер.
3. Етти ўлчаб бир кес. Ҳис-туйғуларингни назорат қил.
4. Оппонентни ҳурмат қилиб, унинг фикрини тушунишга ҳаракат қил.
5. Оппонентнинг фикрини нотўғри талқин қилмай, аниқ эътироз билдир.
6. Ўқиган ва умумий билимдонлик бўйича эмас, мунозара мавзуси бўйича фикрингни билдир.

## 6-илова

### ИШ ЎЙИНЛАРИ

Энди юқоридаги айтганларимиз тушунарлироқ бўлиши учун бисотимиздаги баъзи бир ўйинлар, кучайтиргичлар, музёралар ва активаторлардан мисоллар келтирамызки, Сизга уларнинг моҳияти кундай равшан ва аён бўлади–қолади:

*Ўйиннинг номи:* «Мақоллар ўйини»

*Ўйиннинг тури:* Фаолаштирувчи (Активатор)

*Мақсад:* Ўқувчиларнинг бир–бирларини яхшироқ таниб олишлари учун

*Вақти:* 20–30 дақиқа

*Гуруҳ катталиги:* хоҳлаганча катталиқда

*Ишлатиладиган материаллар:* мақоллар ёзиш учун қоғоз бўлаклари ва гуруҳ учун етарли бўлган мақоллар туркуми.

*Амалга оширилиши:* қатнашувчиларнинг ҳар бирига мақолнинг ярми ёзилган қоғоз бўлаги берилиб, унинг қолган ярмини топиш ва ёзиш топшириғи берилади. Улар мақолнинг кейинги қисмини биладиган шахсни ўқувчилар орасидан топишлари лозим бўлади. Бундай қатнашувчи топилганидан сўнг улар бир–бирларини яхшироқ билиш учун бир қанча вақт суҳбатлашадилар. Кейин эса улар катта гуруҳга мақолни тўлалигича айтиб беришлари лозим бўлади.

*Ўйиннинг номи:* «Ҳақиқат ва ёлгон»

*Ўйиннинг тури:* Фаолаштирувчи (Активатор)

*Мақсад:* Тегишли мавзу бўйича ўқувчиларнинг билимларини янада ошириш.

*Вақти:* 10–15 дақиқа

*Гуруҳ катталиги:* хоҳлаганча

*Ишлатиладиган материаллар:* ўқитувчи томонидан ўрганилаётган мавзу бўйича ҳар бир талаба учун қоғоз бўлагида ёзилган ҳамда иложи бўлса мавзу билан боғлиқ битта рост ва битта ёлгон мисол, далил, факт, қоида, кўрсаткич, сўз ёки мисол берилади.

*Амалга оширилиши:* ўқитувчи ҳар бир талабага маълумотлар ёзилган қоғоз бўлакларини тарқатади ва уларга 4 талабадан иборат гуруҳларга бўлинган ҳолда буни муҳокама қилишни топширади. Ўйин сўнггида ҳар бир гуруҳдаги бир талаба гуруҳга тегишли барча маълумотларни таҳлил қилиб бериши лозим бўлади. Яъни, у буларнинг ичида қайси бири

тўғри ва қайси бири нотўғри эканлигини айтиб, талабаларнинг ушбу мавзу бўйича билимларини оширади.

*Ўйиннинг номи:* «Исм белгилари»

*Ўйиннинг тури:* кириш қисмида қўлланилиши мумкин.

*Мақсад:* Ўқувчи (талаба)ларнинг бир–бири билан танишишига ва кейинчалик ўзаро биргаликда ишлашлари учун ёрдам беради.

*Вақти:* 5–10 дақиқа

*Гуруҳ катталиги:* 30–35 кишидан ортиқ ва бир–бирини яхши билмайдиган гуруҳлар учун

*Ишлатиладиган материаллар:* ҳар бир шахс учун олдиндан чоп қилинган исм ёзилган белгилар (нишонлар).

*Амалга оширилиши:* гуруҳнинг қандай ажойиб ва билимдон эканлиги ҳақида сўзлаган ҳолда ушбу ўйин бошланади. Барча *исм белгиларини* тасодифий тарзда ўқувчи (талаба)ларга тарқатиб чиқинг. Бунда ҳеч бир кимса ўз номи ёзилган исм белгисини олмаслигини назорат қилиб туриш лозим. Ҳар бир шахс ўзидаги исми нишонда ёзилган шахс билан учрашиши ва у билан бир неча дақиқа суҳбат қилиши керак. Ўқувчилар бир ёки бир неча талаба билан бу ҳақда фикр алмашганларидан сўнг, ўйин тўхтатилади ва улардан бир нечтасига ўз суҳбатдоши ҳақида гуруҳга қисқа маълумот бериши сўралади.

*Ўйиннинг номи:* *Сизнинг белгингиз қандай?*

*Ўйиннинг тури:* Музёрап

*Мақсад:* Номларни эслаб қолиш

*Вақти:* 8–12 дақиқа ва гуруҳнинг катталигига боғлиқ

*Гуруҳ катталиги:* Талабалар сони 5 тадан катта ва 20 тадан кам

*Ишлатиладиган материаллар:* Ҳеч нима керак эмас

*Амалга оширилиши:* Барча доира шаклида туради ва кимдир «Менинг исмим \_\_\_\_\_ — ва менинг белгим \_\_\_\_\_» дейди. Белги сифатида бирор–бир гулнинг номи, тана ҳаракати, чеҳра ифодасига ўхшаганлар берилиши мумкин. Кейинги талаба унинг номини ва белгисини қайтаради ҳамда сўнгра ўзининг номи ҳамда белгисини айтади. Ундан кейинги шахс олдингиларнинг номлари ва белгиларини қайтариши ҳамда ўзиникини ҳам айтиши лозим бўлади. Ўйин шу тарзда давом этиб, ҳамма иштирокчилар бир–бирларининг исм ва шартли белгиларини билиб оладилар. Агар бу ўйинни дарс бошланишида ўтказсангиз, барча талабалар бир–бирларининг номларини яхшилаб эслаб қоладилар.

*Ўйиннинг номи:* «Гуруҳдаги ўхшашликларни аниқлаш»

*Ўйиннинг тури:* Музёрап

*Мақсад:* Кичик гуруҳлар орасидаги ўхшашликларни аниқлаш

*Вақти:* 20–25 дақиқа

*Гуруҳ катталиги:* 20–30 ўқувчи

*Ишлатиладиган материаллар:* Ўқитувчининг танлови ва ўтиладиган дарс материаллари билан боғлиқ равишда тўпланган материаллар. Мавзунинг йўналиш, кичик мавзу, нишонлари ва шунга ўхшашлар билан боғлиқ объектлар. Масалан, агар лойиҳа тузиш билан боғлиқ дарс ўтаётган бўлсангиз, лойиҳаларнинг номини қоғозларга ёзиб қўйишингиз мумкин ва ҳар бир шахс ўзини қизиқтирган лойиҳа номини танлаб олиш имкониятига эга бўлади.

*Амалга оширилиши:*

1. Объектлар (масалан, лойиҳаларнинг номлари ёзилган қоғозлар) солинган идишни (саватни) ўқувчилар орасида айлантириб чиқиш ва ҳар бир талабага ундан ўзини қизиқтирган объектни танлашни таклиф қилиш;

2. Бир хил объектларни танлаган ўқувчиларни бир хил гуруҳларга бирлаштиришларини таклиф қилиш;

3. Ҳар бир гуруҳга куйидагиларни муҳокама қилишни таклиф қилиш:

а) Нега гуруҳингиз бир хил объектларни танлади?

б) Ўз гуруҳ аъзоларингиз орасида бир–бирига ўхшаш томонлар борлигини муҳокама қилинг (масалан, қизиқишлар, туғилган кунлар, интилишлар, ҳоббилар ва бошқалар);

в) Ўз гуруҳ аъзоларингиз ҳақида қизиқарли равишда бошқа гуруҳ аъзоларига сўзлаб беринг.

*Ўйиннинг номи:* «Сўзлар тузиш»

*Ўйиннинг тури:* Музёра

*Мақсад:* Янги гуруҳ аъзоларининг бир–бирларини яхшилаб билиб олишлари учун

*Вақти:* 8–15 дақиқа

*Гуруҳ катталиги:* Ҳар қандай катталиқдаги

*Ишлатиладиган материаллар:* Ручка ёки қалам, қоғоз бўлаклари

*Амалга оширилиши:* Ҳар бир иштирокчига биттадан варақ тарқатинг ва унда алифбонинг бирор–бир ҳарфини катта қилиб чизишни сўранг.

Кейин барча қатнашувчилар ўрниларидан туриб, қўлларидаги ҳарфлардан фойдаланган ҳолда бошқалар билан биргаликда тўрт ҳарфдан иборат сўзлар тузишлари керак. Бунда куйидагиларга эътибор берилса, яхши натижаларга эришиш мумкин:

- Тузиладиган сўзлар дарс мавзуси билан мос қилиши;
- Энг узун сўзлар тузишга кўрсатма бериб, узунроқ сўз топган гуруҳга мукофот бериш;
- Ўрганилаётган тил билан боғлиқ сўзлар тузиш.

*Ўйиннинг номи:* «**Машҳур инсонлар**»

*Ўйиннинг тури:* Кучайтиргич

*Мақсад:* Дарсни фаоллаштириш

*Вақти:* 10–15 дақиқа

*Гуруҳ катталиги:* Хоҳлаганча

*Ишлатиладиган материаллар:* Доска ва бўр

*Амалга оширилиши:*

1. қатнашчиларга машҳур инсонлар номларини доскага ёзиш таклиф қилинади ва хоҳловчилар бу номларни доскага чиқиб ёзадилар;

2. Кейин талабалар ичидан бирортасини чақириб, машҳур инсонлардан бирининг кимлиги, фаолияти ҳақида сўралади ва у бу ҳақдаги маълумотларни барчага айтиб беради;

3. Агар бу чақирилган талаба ҳеч нима билмаса ёки кам билса синфдаги бошқа ҳоловчиларга бу ҳақдаги маълумотларни тўлдириш таклиф қилинади;

3. Шундай қилиб, бирин–кетин талабаларни доскага чақирган ҳолда машҳур инсонлар ва уларнинг нима учун машҳурлиги ҳақида билиб олинади.

*Ўйиннинг номи:* «**Телефон**»

*Ўйиннинг тури:* Фаоллаштирув

*Мақсад:* Инсонлар орасидаги мулоқот ва бир одамдан иккинчисига маълумотлар қандай боришини кўрсатиш ва ўқувчиларнинг қизиқиши даражасини ошириш

*Вақти:* 10 дақиқа атрофида

*Гуруҳ катталиги:* Хоҳлаганча

*Ишлатиладиган материаллар:* Ҳеч нима керак эмас

*Амалга оширилиши:* Ўқувчилар хонада доира шаклида турадилар. Бир ўқувчи ёнидагига шивирлаган ҳолда бирор–бир маълумотни айтади. У эса ушбу маълумотни кейинги шахсга айтади ва бу иш доира бўйлаб давом этади. Маълумот ҳар бир кимсага

фақат бир мартадангина айтилиши лозим. Охирги ўқувчи ўзи эшитган маълумотни барчага эшиттириб айтади ва шундан сўнг уни бошда айтган биринчи ўқувчи ҳам қайтаради. Оригинал ва охирги маълумотлар орасидаги фарқ таҳлил қилинади.

**Ўйиннинг номи:** «*Сирли мактуб*»

**Ўйиннинг тури:** Гуруҳ бўлиб ишлаш

**Мақсад:** Бир–бирини яхшироқ билиб олиш

**Вақти:** 10–15 дақиқа

**Гуруҳ катталиги:** Бир гуруҳда ёки синфда

**Ишлатиладиган материаллар:** Ручка ва қоғоз

**Амалга оширилиши:** Ҳар бир талаба ўзи ҳақида бирор–бир маълумотни ёки маълумотларни қоғозга ёзиб, уни бир идишга солади (сават, яшик, шляпа ва хоказолар). Кейин улар яхшилаб аралаштирилади ва талабаларга улардан биттадан олиш таклиф қилинади. Улар бу маълумотларни ўқиб, уни ким ёзганини айтишлари керак. Бунда кўпчилик синфдошлар бир–бирлари ҳақида янги, олдин билмаган қизиқарли нарсаларни билиб олишга муваффақ бўладилар.

**Ўйиннинг номи:** «*Сиз ажойибсиз*»

**Ўйиннинг тури:** Машғулотлар охирида ўтказилади

**Мақсад:** Дарсни ёки семинарни ижобий-позитив равишда яқунлаш мақсадида ишлатиш мумкин.

**Вақти:** 15–20 дақиқа

**Гуруҳ катталиги:** Хоҳлаганча

**Ишлатиладиган материаллар:** қоғоз ва ручка

**Амалга оширилиши:** Ҳар бир иштирокчига биттадан варақ тарқатилиб чиқилади ва унинг юқори қисмига ўз номларини ёзишлари сўралади. Бу варақлар доира шаклида жойлашган гуруҳга тарқатилиб, ҳар бир иштирокчидан варақнинг юқори қисмида номи ёзилган шахс ҳақида яхши ва ижобий фикрлар ёзилиши ҳамда уни кейинги талабага узатиши сўралади. Барча ўз фикрини ёзиб бўлганидан сўнг, ҳар бир варақ номи ёзилган инсонга қайтарилади. У эса ўзи ҳақидаги яхши маълумотларни ўқиб, қувонади ва уни синфдошларидан эсдалик сифатида сақлайди.

**2-МАВЗУ. “Тижорат банк ресурсларини бошқариш”, “Нақд пулсиз ҳисоб китоблар ва тўлов тизими”, “Банк рисклари”, “Монетар сиёсат”, “Халқаро валюта операциялари ва ҳисоб китоблар” ва “Хорижий мамлакатларда банк иши” ВА БОШҚА МУТАХАССИСЛИК ФАНЛАРИДАН МАЪРУЗАГА ТАЙЁРГАРЛИК КЎРИШ ВА УНИ ЎҚИТИШ МЕТОДИКАСИ**

(Маъруза – 6 соат, амалий машғулот – 6 соат)

**1.2. Маърузани олиб бориш технологияси**

<i>Машғулот шакли</i>	Кириш-мавзу бўйича маъруза
<i>Дарс вақти: 2 соат</i>	<i>Талабалар сони: 60-70 нафаргача</i>
<i>Маъруза режаси</i>	<p>1. Маъруза ўқиш жараёнининг асосий шакли. Маърузанинг таркибий қисмларини кўрсатиш. Кириш қисмининг моҳияти, маърузада қўйиладиган саволлар ва уларнинг кетма-кетлигини таъминлашда эътибор берилишининг зарурлиги. “Мутахассислик фанларини ўқитиш методикаси” <i>фанининг методи</i>.</p> <p>2. “Маърузада қўйиладиган саволлар ҳозирги куннинг долзарб муаммолари билан боғланишни билиши. <i>Муаммоли маърузалар билан умумий маърузаларнинг фарқи</i>. Маърузага тайёргарлик кўриш.</p> <p>3. Маъруза режасини тузиш, амалиёт материаллари йиғиш, маърузанинг таркиби ва унда қўйиладиган саволларнинг асосий мазмуни, қўшимча саволлар, маърузанинг қўшимча қисми.</p> <p>4. Маъруза матни, унга қўйиладиган талаблар. маърузани тайёрлашда давлатнинг қонун-қоидалари, фармонлари, йўриқномалари, Молия вазирлиги ва Марказий банкнинг меъёрий ҳужжатларидан, махсус адабиётларидан фойдаланиш тартиби.</p> <p>5. Маъруза материалларида муаммолар қўйиш ва уларни ечиш йўллари кўрсатиб бера олиш. Маърузада слайдлар, жадваллар, мултимедиялар ва бошқа амалий материаллардан фойдаланиш ва уларни дарс жараёнида ишлатиш, маъруза ўқишда аудитория билан алоқа ўрнатиш усуллари..</p>
<i>Ўқитиш мақсади:</i> “Тижорат банк ресурсларини бошқариш”, “Нақд пулсиз ҳисоб китоблар ва тўлов тизими”, “Банк рисклари”, “Монетар сиёсат”, “Халқаро валюта операциялари ва ҳисоб китоблар” ва “Хорижий мамлакатларда банк иши” ва бошқа мутахассислик фанларидан маърузага тайёргарлик кўриш ва уни ўқитиш методикаси тўғрисидаги билимларни мустаҳкамлаш.	

<i>Педагогик вазифалар:</i>	<i>Ўқув фаолияти натижалари:</i>
“Тижорат банк ресурсларини бошқариш”, “Нақд пулсиз ҳисоб китоблар ва тўлов тизими”, “Банк рисклари”, “Монетар сиёсат”, “Халқаро валюта операциялари ва ҳисоб китоблар” ва “Хорижий мамлакатларда банк иши” ва бошқа мутахассислик фанларининг мазмуни ва моҳияти билан таништириш	Маъруза ўқиш жараёнининг асосий шакли, Маърузанинг таркибий қисмларини кўрсатиш, кириш қисмининг моҳияти, маърузада қўйиладиган саволлар ва уларнинг кетма-кетлигини таъминлашда эътибор берилишининг зарурлигини айтиб бера оладилар
“Маърузада қўйиладиган саволлар ҳозирги куннинг долзарб муаммолари билан боғлиқлиги тушунтириш	<i>Муаммоли маърузалар билан умумий маърузаларнинг</i> бир биридан фарқлай оладилар Маърузага тайёргарлик кўриш жараёни ҳақида тушунчага эга бўладилар.
Маъруза режасини тузиш тартибини тушунтириш.	Талабалар анчагина ахборотга эга бўладилар.
“Мутахассислик фанларини ўқитиш методикаси” фанининг “Тижорат банк ресурсларини бошқариш”, “Нақд пулсиз ҳисоб китоблар ва тўлов тизими”, “Банк рисклари”, “Монетар сиёсат”, “Халқаро валюта операциялари ва ҳисоб китоблар” ва “Хорижий мамлакатларда банк иши” фанлари бўйича маъруза тайёрлаш жараёни ҳақида тушунтириш.	Талабалар ёзиб оладилар.
Маърузада слайдлар, жадваллар, мултимедиялар ва бошқа амалий материаллардан фойдаланиш ва уларни дарс жараёнида ишлатиш, маъруза ўқишда аудитория билан алоқа ўрнатиш усуллари хусусида батафсил маълумот бериш.	Маъруза материалларида муаммолар қўйиш ва уларни ечиш йўллари кўрсатиб бера оладилар.
<i>Ўқитиш усуллари</i>	Маъруза, намойиш, блиц-сўров, пинборд техникаси, тест, савол-жавоб
<i>Ўқитиш шакллари</i>	Фронтал, жамоавий иш
<i>Ўқитиш воситалари</i>	Маъруза матни, компьютер слайдлари, доска

Ўқитиш шароити	Техник ва гуруҳларда ишлаш учун жиҳозланган аудитория
Мониторинг ва баҳолаш	Оғзаки назорат: блиц – сўров, назорат саволлари

### Маърузанинг технологик картаси

Иш бос-қичлари	Фаолият мазмуни	
	Ўқитувчи	Талаба
1-босқич. Мавзуга кириш қисми (5-10 дақиқа)	<p>1.1. Маъруза мавзусини айтади ва ушбу мавзуга тегишли бўлган маъруза матни тарқатилади.</p> <p>1.2. Ушбу мавзуга оид асосий саволлар, таянч сўз ва ибораларга изоҳ берилади.</p> <p>1.3. Мавзу бўйича рейтинг баҳолаш тизими ва жорий, оралик ҳамда якуний баҳолаш мезонлари билан таништиради (1-илова). Мустақил тайёрланиш учун асосий адабиётлар рўйхати тақдим этилади.</p> <p>1.4. Биринчи мавзу, ўқув фаолиятининг мақсади ва натижаларини айтади.</p>	<p>Тинглайди.</p> <p>Тинглайди ва ёзиб олади.</p> <p>Тавсия этилаётган адабиётлар рўйхати ва интернетдаги сайтларни ёзиб оладилар.</p> <p>Тинглайди ва мавзунини ёзиб олади. Қаранг ЎММ</p>
**Амалга оширилиши:** Гуруҳнинг қандай ажойиб ва билимдон эканлиги ҳақида сўзлаган ҳолда ушбу ўйин бошланади. Барча *исм белгиларини* тасодифий тарзда ўқувчи (талаба)ларга тарқатиб чиқинг. Бунда ҳеч бир кимса ўз номи ёзилган исм белгисини олмаслигини назорат қилиб туриш лозим. Ҳар бир шахс ўзидаги исми ёзилган шахс билан учрашиши ва у билан бир неча дақиқа суҳбат қилиши керак. Ўқувчилар бир ёки бир неча

талаба билан бу ҳақда фикр алмашганларидан сўнг, ўйин тўхтатилади ва улардан бир нечтасига ўз суҳбатдоши ҳақида гуруҳга қисқа маълумот бериши сўралади.

**Ўйиннинг номи:** *Сизнинг белгингиз қандай?*

**Ўйиннинг тури:** Музёра

**Мақсад:** Номларни эслаб қолиш

**Вақти:** 8–12 дақиқа ва гуруҳнинг катталигига боғлиқ

**Гуруҳ катталиги:** Талабалар сони 5 тадан катта ва 20 тадан кам

**Ишлатиладиган материаллар:** Ҳеч нима керак эмас

**Амалга оширилиши:** Барча доира шаклида туради ва кимдир «Менинг исмим ————— ва менинг белгим —————» дейди. Белги сифатида бирор–бир гулнинг номи, тана ҳаракати, чеҳра ифодасига ўхшаганлар берилиши мумкин. Кейинги талаба унинг номини ва белгисини қайтаради ва сўнгра ўзининг номи ҳамда белгисини айтади. Ундан кейинги шахс олдингиларнинг номлари ва белгиларини қайтариши ҳамда ўзиникини ҳам айтиши лозим бўлади. Ўйин шу тарзда давом этиб ҳамма иштирокчилар бир–бирларининг исм ва шартли белгиларини билиб оладилар. Агар бу ўйинни дарс бошланишида ўтказсангиз, барча талабалар бир–бирларининг номларини яхшилаб эслаб қоладилар.

**Ўйиннинг номи:** *«Гуруҳдаги ўхшашликларни аниқлаш»*

**Ўйиннинг тури:** Музёра

**Мақсад:** Кичик гуруҳлар орасидаги ўхшашликларни аниқлаш

**Вақти:** 20–25 дақиқа

**Гуруҳ катталиги:** 20–30 ўқувчи

**Ишлатиладиган материаллар:** Ўқитувчининг танлови ва ўтиладиган дарс материаллари билан боғлиқ равишда тўпланган материаллар. Мавзунинг йўналиш, кичик мавзу, нишонлари ва шунга ўхшашлар билан боғлиқ объектлар. Масалан, агар лойиҳа тузиш билан боғлиқ дарс ўтаётган бўлсангиз, лойиҳаларнинг номини қоғозларга ёзиб қўйишингиз мумкин ва ҳар бир шахс ўзини қизиқтирган лойиҳа номини танлаб олиш имкониятига эга бўлади.

**Амалга оширилиши:**

1. Объектлар (масалан, лойиҳаларнинг номлари ёзилган қоғозлар) солинган идишни (саватни) ўқувчилар орасида айлантриб чиқиш ва ҳар бир талабага ундан ўзини қизиқтирган объектни танлашни таклиф қилиш;

2. Бир хил объектларни танлаган ўқувчиларни бир хил гуруҳларга бирлашишларини таклиф қилиш;

3. Ҳар бир гуруҳга қуйидагиларни муҳокама қилишни таклиф қилиш:

а) Нега Сизнинг гуруҳингиз бир хил объектларни танлади;

б) Ўз гуруҳ аъзоларингиз орасида бир–бирига ўхшаш томонлар борлигини муҳокама қилинг (масалан, қизиқишлар, туғилган кунлар, интилишлар, ҳоббилар ва бошқалар);

в) Ўз гуруҳ аъзоларингиз ҳақида қизиқарли равишда бошқа гуруҳ аъзоларига сўзлаб беринг.

**Ўйиннинг номи:** *«Сўзлар тузиш»*

**Ўйиннинг тури:** Музёра

**Мақсад:** Янги гуруҳ аъзоларининг бир–бирларини яхшилаб билиб олишлари учун

**Вақти:** 8–15 дақиқа

**Гуруҳ катталиги:** Ҳар қандай катталикдаги

**Ишлатиладиган материаллар:** Ручка ёки қалам, қоғоз бўлаклари

**Амалга оширилиши:** Ҳар бир иштирокчига биттадан варақ тарқатинг ва унда алифбонинг бирор–бир ҳарфини катта қилиб чизишни сўранг.

Кейин барча қатнашувчилар ўрниларидан туриб, кўлларидаги ҳарфлардан фойдаланган ҳолда бошқалар билан биргаликда тўрт ҳарфдан иборат сўзлар тузишлари керак. Бунда қуйидагиларга эътибор берилса, яхши натижаларга эришиш мумкин:

- Тузиладиган сўзлар дарс мавзуси билан мос қилиши;
- Энг узун сўзлар тузишга кўрсатма бериб, узунроқ сўз топган гуруҳга мукофот бериш;
- Ўрганилаётган тил билан боғлиқ сўзлар тузиш.

**Ўйиннинг номи:** «*Машҳур инсонлар*»

**Ўйиннинг тури:** Кучайтиргич

**Мақсад:** Дарсни фаоллаштириш

**Вақти:** 10–15 дақиқа

**Гуруҳ катталиги:** Ҳоҳлаганча

**Ишлатиладиган материаллар:** Доска ва бўр

**Амалга оширилиши:**

1. Қатнашчиларга машҳур инсонлар номларини доскага ёзиш таклиф қилинади ва ҳоҳловчилар бу номларни доскага чиқиб ёзадилар;

2. Кейин талабалар ичидан бирортасини чақириб, машҳур инсонлардан бирининг кимлиги, фаолияти ҳақида сўралади ва у бу ҳақдаги маълумотларни барчага айтиб беради;

3. Агар бу чақирилган талаба ҳеч нима билмаса ёки кам билса синфдаги бошқа ҳоҳловчиларга бу ҳақдаги маълумотларни тўлдириш таклиф қилинади;

3. Шундай қилиб, бирин–кетин талабаларни доскага чақирган ҳолда машҳур инсонлар ва уларнинг нима учун машҳурлиги ҳақида билиб олинади.

**Ўйиннинг номи:** «*Телефон*»

**Ўйиннинг тури:** Фаоллаштирувчи

**Мақсад:** Инсонлар орасидаги мулоқот ва бир одамдан иккинчисига маълумотлар қандай боришини кўрсатиш ва ўқувчиларнинг қизиқиши даражасини ошириш

**Вақти:** 10 дақиқа атрофида

**Гуруҳ катталиги:** ҳоҳлаганча

**Ишлатиладиган материаллар:** Ҳеч нима керак эмас

**Амалга оширилиши:** Ўқувчилар хонада доира шаклида турадилар. Бир ўқувчи ёнидагига шивирлаган ҳолда бирор–бир маълумотни айтади. У эса ушбу маълумотни кейинги шахсга айтади ва бу иш доира бўйлаб давом этади. Маълумот ҳар бир кимсага фақат бир мартадангина айтилиши лозим. Охирги ўқувчи ўзи эшитган маълумотни барчага эшиттириб айтади ва шундан сўнг уни бошда айтган биринчи ўқувчи ҳам қайтаради. Оригинал ва охирги маълумотлар орасидаги фарқ таҳлил қилинади.

**Ўйиннинг номи:** «*Сирли мактуб*»

**Ўйиннинг тури:** Гуруҳ бўлиб ишлаш

**Мақсад:** Бир–бирини яхшироқ билиб олиш

**Вақти:** 10–15 дақиқа

**Гуруҳ катталиги:** Бир гуруҳда ёки синфда

**Ишлатиладиган материаллар:** Ручка ва қоғоз

**Амалга оширилиши:** Ҳар бир талаба ўзи ҳақида бирор–бир маълумотни ёки маълумотларни қоғозга ёзади, уни бир идишга солади (сават, яшик, шляпа ва хоказолар). Кейин улар яхшилаб аралаштирилади ва талабаларга улардан биттадан олиш таклиф қилинади. Улар бу маълумотларни ўқиб, уни ким ёзганини айтишлари керак. Бунда кўпчилик синфдошлар бир–бирлари ҳақида янги, олдин билмаган қизиқарли нарсаларни билиб олишга муваффақ бўладилар.

**Ўйиннинг номи:** «*Сиз ажойибсиз*»

**Ўйиннинг тури:** Машғулотлар охирида ўтказилади

**Мақсад:** Дарсни ёки семинарни ижобий-позитив равишда яқунлаш мақсадида ишлатиш мумкин.

**Вақти:** 15–20 дақиқа

**Гуруҳ катталиги:** Ҳоҳлаганча

**Ишлатиладиган материаллар:** Қоғоз ва ручка

**Амалга оширилиши:** Ҳар бир иштирокчига биттадан варақ тарқатилиб чиқилади ва унинг юқори қисмига ўз номларини ёзишлари сўралади. Энди бу варақлар доира шаклида жойлашган гуруҳга тарқатилиб, ҳар бир иштирокчидан варақнинг юқори қисмида номи ёзилган шахс ҳақида яхши ва ижобий фикрлар ёзилиши ҳамда уни кейинги талабага узатиши сўралади. Барча ўз фикрини ёзиб бўлганидан сўнг, ҳар бир варақ номи ёзилган инсонга қайтарилади. У эса ўзи ҳақидаги яхши маълумотларни ўқиб қувонади ва уни синфдошларидан эсдалик сифатида сақлайди.

## 5-МАВЗУ. «ХАЛҚАРО АУДИТ ТИЗИМИ» ФАНИ БЎЙИЧА МАЪРУЗАЛАР ТАЙЁРЛАШ МЕТОДИКАСИ

(Маъруза – 4 соат, амалий машғулот – 4соат)

### 1.5. Маърузани олиб бориш технологияси

<i>Машғулот шакли</i>	Кириш-мавзу бўйича маъруза
<i>Дарс вақти: 2 соат</i>	<i>Талабалар сони: 60-70 нафаргача</i>
<i>Маъруза режаси</i>	<p>1. «Халқаро аудит тизими» фани бўйича маърузалар тайёрлаш хусусиятлари ва ушбу фанни ўрганишда аудиторлик фаолиятини хорижий амалиётини тушуниш ва назарий билимларини амалий билимлар билан бойитишни асослаб бериш.</p> <p>2. Халқаро аудит ва унинг моделлари, халқаро аудиторлик ташкилотлари ва компаниялари, уларнинг ривожланиш тарихи, аудитнинг халқаро аудиторлик стандартлари, аудитнинг Ахлоқ кодекси, аудитнинг умумий, ишчи, ҳисобот ва махсус стандартлари, аудиторлик кулосаси ва ҳисоботини тузиш, Ўзбекистон Республикаси аудит тизимини халқаро миқёсда интеграциялаш масалалари бўйича хулоса ва таклифлар бериш ва бошқалар.</p> <p>3. Ўқитиш жараёнида назарий билим билан амалий билимни солиштириш усулларини ташкил этиш, магистрантларнинг ўқишга бўлган қизиқишларини тобора ортириб, улар учун имкон қадар мустақил билим олишга шароит яратиб бериш</p> <p>4. Маъруза режасини тузиш, амалиёт материаллари йиғиш, маърузанинг таркиби ва унда қўйиладиган саволларнинг асосий мазмуни, қўшимча саволлар, маърузанинг қўшимча қисми.</p> <p>5. Маъруза матни, унга қўйиладиган талаблар. маърузани тайёрлашда давлатнинг қонун-қоидалари, фармонлари, йўриқномалари, Молия вазирлиги ва Давлат солиқ Қўмитаси, Марказий банкнинг меъерий ҳужжатларидан, махсус адабиётларидан фойдаланиш тартиби.</p> <p>6. Маъруза материалларида муаммолар қўйиш ва уларни ечиш йўлларини кўрсатиб бера олиш. Маърузада слайдлар, жадваллар, мултимедиялар ва бошқа амалий материаллардан фойдаланиш ва уларни дарс жараёнида ишлатиш, маъруза ўқишда аудитория билан алоқа ўрнатиш усуллари.</p>

<i>Ўқитиш мақсади</i> «Халқаро аудит тизими» фанидан маърузага тайёргарлик кўриш ва уни ўқитиш методикаси тўғрисидаги билимларни мустаҳкамлаш.	
<i>Педагогик вазифалар:</i>	<i>Ўқув фаолияти натижалари:</i>
«халқаро аудит тизими», «амалий аудит» ва бошқа мутахассислик фанларининг мазмуни ва моҳияти билан таништириш	«Халқаро аудит тизими» фанидан маъруза ўқиш жараёнининг асосий шакли, Маърузанинг таркибий қисмларини кўрсатиш, кириш қисмининг моҳияти, маърузада қўйиладиган саволлар ва уларнинг кетма-кетлигини таъминлашда эътибор берилишининг зарурлигини айтиб бера оладилар
“Маърузада қўйиладиган саволлар ҳозирги куннинг долзарб муаммолари билан боғланишни тушунтириш	«Халқаро аудит тизими» фанидан муаммоли маърузалар билан умумий маърузаларнинг бир биридан фарқлай оладилар Маърузага тайёргарлик кўриш жараёни ҳақида тушунчага эга бўладилар.
«Халқаро аудит тизими» фанидан маъруза режасини тузиш тартибини тушунтириш.	Талабалар анчагина ахборотга эга бўладилар.
“Мутахассислик фанларини ўқитиш методикаси” фанининг «Амалий аудит», «Халқаро аудит», «Бошқа тармоқларда аудитнинг хусусиятлари», «Солиқ ва тўловлар аудитининг хусусиятлари» фанлари бўйича маърузаларга тайёргарлик кўриш жараёнининг хусусиятлари ҳақида тушунтириш.	Талабалар ёзиб оладилар.
«Халқаро аудит тизими» фанидан маърузада слайдлар, жадваллар, мултимедиялар ва бошқа амалий материаллардан фойдаланиш ва уларни дарс жараёнида ишлатиш, маъруза ўқишда аудитория билан алоқа ўрнатиш усуллари хусусида батафсил маълумот бериш.	«Халқаро аудит тизими» фанидан маъруза материалларида муаммолар қўйиш ва уларни ечиш йўллари кўрсатиб бера оладилар.
<i>Ўқитиш усуллари</i>	Маъруза, намоёниш, блиц-сўров, пинборд техникаси, тест, савол-жавоб
<i>Ўқитиш шакллари</i>	Фронтал, жамоавий иш
<i>Ўқитиш воситалари</i>	Маъруза матни, компьютер слайдлари, доска
<i>Ўқитиш шароити</i>	Техник ва гуруҳларда ишлаш учун жиҳозланган аудитория
<i>Мониторинг ва баҳолаш</i>	Оғзаки назорат: блиц – сўров, назорат саволлари

**Маърузанинг технологик картаси**

<b>Иш бос-</b>	<b>Фаолият мазмуни</b>
----------------	------------------------

қичлари	Ўқитувчи	Талаба
1-босқич. Мавзуга кириш қисми (5-10 дақиқа)	1.1. «Халқаро аудит тизими» фанидан маъруза мавзусини айтади ва ушбу мавзуга тегишли бўлган маъруза матни тарқатилади. 1.2. Ушбу мавзуга оид асосий саволлар, таянч сўз ва ибораларга изоҳ берилади. 1.3. Мавзу бўйича рейтинг баҳолаш тизими ва жорий, оралик ҳамда якуний баҳолаш мезонлари билан таништиради (1-илова). Мустақил тайёрланиш учун асосий адабиётлар рўйхати тақдим этилади. 1.4. Биринчи мавзу, ўқув фаолиятининг мақсади ва натижаларини айтади.	Тинглайди.  Тинглайди ва ёзиб олади.  Тавсия этилаётган адабиётлар рўйхати ва интернетдаги сайтларни ёзиб оладилар.  Тинглайди ва мавзунини ёзиб олади. Қаранг ЎММ
2-босқич. Асосий қисм (60-65 дақиқа)	2.1. Дарснинг мақсади, педагогик вазифалари ва ўқув фаолиятининг натижаларидан келиб чиққан ҳолда ушбу мавзуда қандай масалалар ўрганиб чиқилишини ўйлаш ва жавоб бериш таклиф қилинади (2-илова). 2.2. Мавзу бўйича маъруза матни тарқатилади ва унинг режаси, таянч сўз ва иборалар билан танишиш тавсия этилади. 2.3. Мавзу режасининг саволларига оид назарий асослар Power Point режимида ёки слайд (3-илова) кўринишида кўрсатилади ва изоҳланади. Ҳар бир банд бўйича хулоса қилинганда, муҳим жиҳатларига эътиборни жалб қилади.	Талабалар қўйилган саволларга жавоб берадилар ва ёзиб борадилар.  Қаранг ЎММ. Тинглайди. Тарқатма материаллар тўпламида келтирилмаган қирраларини конспект қилиб борадилар. Саволлар беради
3-босқич. Якуний қисм (5-10 дақиқа)	3.1. Мавзунинг биринчи қисми бўйича хулоса қилинади. 3.2. Талабаларнинг фаолияти таҳлил қилинади ва баҳоланади ҳамда кўзланган мақсадга эришилганлик даражаси аниқланади. 3.3. Талабаларнинг саволларига жавоб берилади. 3.4. Мустақил ишлаш учун топшириқлар берилади (4-илова). Мавзунинг давомини Инсерт усулидан фойдаланиб ўқиш ва керакли белгиларни белгилаш вазифаси берилади (5-илова).	Саволлар беради  Мустақил ишлаш учун топшириқларни ёзиб олади.  Қаранг ЎММ



**«Халқаро аудит тизими» ўқув фани бўйича рейтинг:**

Фан бўйича максимал балл	-100
шу жумладан:	
- жорий баҳолаш	- 35
- оралиқ баҳолаш	-35
- якуний баҳолаш	-30
- саралаш балли	-55

**Баҳолаш мезони**

Ўзлаштириш %	Тўплаши лозим бўлган баллар	Баҳо
86% - 100%	86 – 100 балл	5 (аъло)
71% - 85%	71 – 85 балл	4 (яхши)
55% - 70%	55 – 70 балл	3 (қониқарли)
0 – 54%	0 – 54 балл	2 (қониқарсиз)

Ҳар бир маъруза ва амалий машғулотда талаба 3,3 баллгача баҳо олиши мумкин.

Рейтинг бўйича баҳолаш натижалари:

2,8 балл – «аъло»

2,3 балл – «яхши»


1,8 балл – «қониқарли»

1,7 баллгача – «қониқарсиз»

**Назорат ва муҳокама учун саволлар**

1. «Халқаро аудит тизими» фанининг предмети, объекти ва унинг аҳамиятини тавсифлаб беринг.
2. «Халқаро аудит тизими» фанининг методлари ва фанда анализ, синтез, индукция, дедукция ва бошқа усулларнинг қўлланилиши хусусида гапириб беринг.
3. «Махсус фанларни ўқитиш методикаси» фанининг «Амалий аудит», «Халқаро аудит тизими», «Бошқа тармоқларда аудитнинг хусусиятлари», «Солиқ ва тўловлар аудитининг хусусиятлари», «Инвестиция аудити ва баҳолаш» фанлари билан ўзаро боғлиқлигини тушунтириб беринг.

## Маърузанинг мазмуни бўйича кўргазмали слайдлари



## Қизиқтирув – мотивация

Мақсад	Талабаларнинг дарсга қизиқишини ошириш ва уларга таълим олиш учун қулай маънавий шароит яратиш
Фаолият турлари	<ul style="list-style-type: none"> <li>9. Шахсий кузатув ёки тажрибаларнинг муҳокамаси</li> <li>10. Ашула айтиш</li> <li>11. Овоз чиқариб ўқиш</li> <li>12. Жисмоний ҳаракат ёки машқ</li> </ul>

	13. Муаммони ёки расмни муҳокама қилиш 14. Эркин баён 15. Эркин суҳбат 16. Хилма-хил турдаги ўйинлар
Ўқитувчининг роли	Бошқарувчи ёки раҳбар
Ўзаро муносабат тури	Ўқитувчи-талаба Талаба-талаба
Назорат даражаси	Фаолият турига қараб, назорат орқали ёки эркин ҳолда
Хатоларни тўғрилаш	Ҳеч қандай тузатилишга йўл қўйилмайди ва натижада талабалар ўзларини эркин ҳис қиладилар
қанча муддат ва дарснинг қайси қисмида	3. Қисқа вақтда 4. Кўпинча дарснинг бошида

### Тақдимот

Мақсад	3. Ўқувчиларга янги тилни ўрганишнинг фойдалилигини ва зарурлигини тушунтириш 4. Сўзларнинг маъносини ва ифодаланиш усулларини кўрсатиш
Фаолият турлари	6. Талабалар модел сўзларни қайтардилар 7. Маъруза ва уни ёзиб олиш 8. Грамматик таржима 9. Оҳиста ўқиш 10. Диктовка қилиш
Ўқитувчининг роли	Анъанавий равишда маълумот бериш
Ўзаро муносабат тури	3. Ўқитувчи - ўқувчи биргаликда 4. Ўқувчи-ўқитувчи алоҳида
Назорат даражаси	Қатъий назорат, ўқитувчи алоҳида аҳамият касб этади
Хатоларни тўғрилаш	Ўқитувчи учун ўқувчиларнинг хатоларини тўғрилаш алоҳида аҳамият касб этади
Қанча муддат ва дарснинг қайси қисмида	3. Қисқа 4. Кўпинча дарснинг бошида

### Амалиёт

Мақсад	3. Тил ўрганиш муҳотида бошқариладиган амалиётни таъминлаш 4. Янги тилда мулоқот қилишда ўз-ўзига ишонч муҳитини юзага келтириш
Фаолият турлари	8. Тайёрланиш 9. Савол-жавоблар 10. Маълумот бериш ва фикр алмашиниш 11. Кўп вариантли танлов 12. Мос сўзларни топиш 13. Ёзма равишда сўзларни ифодалаш 14. Мавзуга мос равишда ниманидир чизиш
Ўқитувчининг роли	Бошқарувчи ва тўғриловчи

Ўзаро муносабат тури	Ўқитувчи-ўқувчи Ўқувчи-ўқувчи
Назорат даражаси	Назорат амалга оширилган шароитда Ўқувчиларга чегараланган имкониятлар берилади
Хатоларни тўғрилаш	Ўқитувчи, ўқувчи ёки ўз-ўзини тўғрилаш
Қанча муддат ва дарснинг қайси қисмида	3. Ўқувчиларнинг талабларига боғлиқ равишда 4. Тақдимот билан тугалланиши лозим ёки текшириб кўрилиши керак

### ***Дарс режасини текшириш кетма-кетлиги:***

- Дарс жараёнида ишлатилаётган материал ўрганилаётган тилнинг реал ҳаётда қўлланилишига мос келадими ёки йўқми?
- Талабалар сизнинг дарсингиздан қониқиш ҳосил қилдиларми? Агар бундай бўлмаса, уларни қизиқтириш учун нима қилмоқчисиз?
- Ўрганиш цикли билан боғлиқ савол: режалаштирган дарсингизда назорат қилинишда эркинликка қараб йўналган ҳаракат мавжудми?
- Дарсингизда мотивация қилинишга, тақдимотга, амалиётга ва натижага бағишланган фаолият турлари борми?
- Дарснинг натижавий ташкил этувчи қисмлари талабаларга улар нима дейишлари ва қандай қилиб гапиришлари ҳақида маълумот бера оладими?
- Дарсдаги кўрсатмаларингиз ва вазифаларнинг бажарилиш тартибини талабаларингиз аниқ тушуна оладиларми?
- Дарс тадбирлари талабаларнинг биргаликда ишлаши, фикр алмашиши ва ўқитувчи билан бемалол мулоқот қилишига имкон яратадими?
- Дарсда ишлатиладиган сўзларнинг аниқ таржимаси сизда борми?
- Уларга қайси грамматик қоидаларни уларга ўргатмоқчисиз ва қандай қилиб?
- Дарсда ўқиш, ёзиш, гапириш ва тинглаш каби малакаларни ривожлантиришга имкон бериладими?
- Дарс гуруҳингиз учун жуда осонми ёки жуда ҳам мураккабми?
- Сиз ўз синф тадбирларингизни оддий шароитларда ва берилган вақт доирасида ўткази оласизми?
- Агар вақтингиз кўпроқ бўлса, яна нималар қилардингиз?
- Дарсда маданий-маънавий жиҳатдан мос келмайдиган материаллар ва маълумотлар мавжудми? Агар шундай бўлса, нима қилишни режалаштираяпсиз?
- Уй вазифаси беришни режалаштирганмисиз?
- Дарс вақтида ўқувчиларни қизиқтириш учун яна нималар қилмоқчисиз?

**3-слайд**

### **Натижа (ўзлаштириш даражасини текшириш)**

Мақсад	4. Ўқувчиларга янги тилни эркин мулоқот шароитида яратувчанлик билан ўрганишларига шароит яратиш 5. Ўрганиш жараёнини текшириб туриш 6. Янги тилдаги тушунчалар ва сўзларни эскиси билан боғлаш
Фаолият турлари	9. Ўйинлар 10. Ёзма иш 11. Сўзга чиқишлар

	12. Рол ўйнаш 13. Гуруҳли иш бўйича ҳисобот бериш 14. Интервьюлар ўтказиш 15. Плакатлар чизиш 16. Кўрсатма ёки стендлар қилиш
Ўқитувчининг роли	Маслаҳатчи, ишга қизиқиш уйғотадиган
Ўзаро муносабат тури	Ўқувчи-ўқувчи (жуфтликлар, гуруҳлар, тасодифий ёки қизиқишлар бўйича кичик гуруҳлар)
Назорат даражаси	Эркин равишда
Хатоларни тўғрилаш	Асосан ўқитувчи томонидан амалга оширилади ва бунда аралашув минимал равишда бўлиши лозим
Қанча муддат ва дарснинг қайси қисмида	4. Қандай иш амалга оширилаётганига боғлиқ 5. Тақдимотдан сўнг ёки амалиёт тугаганидан кейин 6. Бир ёки бир неча дарслар давомида

4-слайд





**Ўз-ўзини текшириш учун саволлар**

13. Халқаро аудит тизими фани бўйича маъруза ўқиш жараёнининг асосий шакллари, маърузанинг таркибий қисмлари ҳақида гапириб беринг.

14. Кириш қисмининг моҳияти, маърузада қўйиладиган саволлар ва уларнинг кетма-кетлигини таъминлашда эътибор берилишининг зарурлигини тушунтириб беринг.

15. Халқаро аудит тизими фани бўйича маърузада қўйиладиган саволлар ҳозирги куннинг долзарб муаммолари билан боғлаш, муаммоли маърузалар билан умумий маърузаларнинг фарқи, маърузага тайёргарлик кўриш жараёни хусусида гапириб беринг.

16. Халқаро аудит тизими фани бўйича маъруза режасини тузиш, амалиёт материаллари йиғиш, маърузанинг таркиби ва унда қўйиладиган саволларнинг асосий мазмуни, қўшимча саволлар, маърузанинг қўшимча қисмлари тузилиши ҳақида гапириб беринг.

**Инсерт техникасидан фойдаланиш қондаси**

1. Маъруза матни ўқинг ва унинг ҳошиясида қуйидаги белгиларни белгиланг:

V – мавжуд билим (ахборот)га мос келади

+ (плюс) – янги ахборот ҳисобланади

- (минус) – мавжуд бўлган билимга мос келмайди

? – тушунарсиз/аниқлаш талаб қилинадиган/ қўшимча ахборот

2. Олинган маълумотларни қуйидаги жадвал кўринишда бир тизимга келтиринг:

Мавзу саволлари	v	+	-	?
1				
2				
3				
4				

**Мавзунини жонлантириш учун саволлар**

1. Халқаро аудит тизими фани бўйича маъруза матни, унга қўйиладиган талаблар, маърузани тайёрлашда давлатнинг қонун-қоидалари, фармонлари, йўриқномалари, Молия вазирлиги ва Давлат солиқ Қўмитаси, Марказий банкнинг меъёрий ҳужжатларидан, махсус адабиётларидан фойдаланиш тартиби хусусида гапириб беринг.

2. Халқаро аудитни вужудга келтирган шарт-шароитлар нимадан иборат?

3. Халқаро амалиётда аудиторлик фаолияти дастлаб қайси мамлакатларда пайдо бўлган?

4. Халқаро амалиётда аудиторлик фаолияти қайси мамлакатларда тарраққий этган?

5. Халқаро амалиётда аудиторлик фаолиятининг моҳияти, мақсади ва вазифалари нималардан иборат?

**Мустақил ишлаш учун назорат саволлари:**

1. Халқаро амалиётда аудиторлик фаолиятининг ривожланиш босқичлари нималардан иборат?
2. Аудиторлик фаолиятининг предмети ва объектлари.
3. Халқаро аудит тизими фанининг методлари.
4. Маърузада қўйиладиган саволлар ҳозирги куннинг долзарб муаммолари билан боғлаш, муаммоли маърузалар билан умумий маърузаларнинг фарқи, маърузага тайёргарлик кўриш жараёни хусусида гапириб беринг.



## Амалий машғулотни олиб бориш технологияси

<b>5-мавзу</b>	<b>«Халқаро аудит тизими» фани бўйича маърузалар тайёрлаш методикаси</b>
<i>Дарс вақти: 2 соат</i>	<i>Талабалар сони: 25 нафаргача</i>
<i>Машғулот шакли</i>	Амалий машғулот
<i>Амалий машғулот режаси</i>	<p>1. Халқаро аудит тизими фани бўйича маъруза ўқиш жараёнининг асосий шакли. Маърузанинг таркибий қисмларини кўрсатиш. Кириш қисмининг моҳияти, маърузада қўйиладиган саволлар ва уларнинг кетма-кетлигини таъминлашда эътибор берилишининг зарурлиги хусусида талабалар билан суҳбат.</p> <p>2. Халқаро аудит тизими фани бўйича маърузада қўйиладиган саволлар ҳозирги куннинг долзарб муаммолари билан боғланишни билиши, <i>Муаммоли маърузалар билан умумий маърузаларнинг фарқи ҳамда.</i> маърузага тайёргарлик кўриш хусусида талабалар билан илмий мунозара ташкил этиш.</p> <p>3. «Махсус фанларни ўқитиш методикаси» фанининг «Амалий аудит», «Халқаро аудит тизими», «Бошқа тармоқларда аудитнинг хусусиятлари», «Солиқ ва тўловлар аудитининг хусусиятлари», «Инвестиция аудити ва баҳолаш» фанлари билан ўзаро боғлиқлиги бўйича талабалар билан суҳбат.</p> <p>4. Халқаро аудит тизими фани бўйича маъруза матни, унга қўйиладиган талаблар. маърузани тайёрлашда давлатнинг қонун-қоидалари, фармонлари, йўриқномалари, Молия вазирлиги ва Давлат солиқ Қўмитаси, Марказий банкнинг меъёрий ҳужжатларидан, махсус адабиётларидан фойдаланиш тартиби, Маъруза материалларида муаммолар қўйиш ва уларни ечиш йўлларини кўрсатиб бера олиш доир тест вариантлари ва масалалар ечиш.</p>
<i>Ўқитиш мақсади</i> «Халқаро аудит тизими» фанидан маърузага тайёргарлик кўриш ва уни ўқитиш методикаси тўғрисидаги билимларини мустаҳкамлаш ҳамда амалий кўникмалар орттириш.	
<i>Педагогик вазифалар:</i>	<i>Ўқув фаолияти натижалари:</i>
«халқаро аудит тизими» фанининг мазмуни, моҳияти ва хусусиятлари билан таништириш	Талабалар асосий жойларини ёзиб оладилар

Халқаро аудит тизими фани бўйича маърузада қўйиладиган саволлар ҳозирги куннинг долзарб муаммолари билан боғланишни тушунтириш	Талабалар метод ва методология тушунчаси, унинг мазмуни ва моҳияти ҳақида тушунчага эга бўладилар.
Халқаро аудит тизими фани бўйича маъруза режасини тузиш тартибини тушунтириш.	Талабалар методларнинг турлари ва шакллари ҳақида билимга эга бўладилар.
«Халқаро аудит тизими» фанининг «Амалий аудит», «Мутахассислик фанларини ўқитиш методикаси», «Бошқа тармоқларда аудитнинг хусусиятлари», «Солиқ ва тўловлар аудитининг хусусиятлари» фанлари бўйича маъруза тайёрлаш жараёни ҳақида тушунтириш.	Талабалар халқаро аудит тизими фани бўйича маъруза дарсларига тайёргарлик кўриш ва унга қўйилган талаблар ҳақида тушунчага эга бўлади ва унинг мазмунини айтиб бера оладилар.
Маърузада слайдлар, жадваллар, мултимедиялар ва бошқа амалий материаллардан фойдаланиш ва уларни дарс жараёнида ишлатиш, маъруза ўқишда аудитория билан алоқа ўрнатиш усуллари хусусида батафсил маълумот бериш.	Талабалар маъруза ва амалий машғулот дарсларига тайёргарлик кўриш жараёнини бир биридан фарқлай оладилар
Ўқитиш усуллари	Сухбат, блиц-сўров, мунозара методи
Ўқитиш шакллари	Фронтал, жамоавий, гуруҳларда ишлаш
Ўқитиш воситалари	Маъруза матни, компьютер слайдлари, доска, скотч, ЎММ
Ўқитиш шароити	Техник ва гуруҳларда ишлаш учун жиҳозланган аудитория
Мониторинг ва баҳолаш	Оғзаки назорат: блиц – сўров, назорат саволлари

### Амалий машғулотнинг технологик картаси

Иш бос-қичлари	Фаолият мазмуни	
	Ўқитувчи	Талаба
Тайёрлов босқич	Ўқув мақсадларидан келиб чиққан ҳолда табақалаштирилган тестларни ишлаб чиқади (1-илова).	
1-Босқич. Машғулотнинг кириш қисми	1.1. Машғулот мавзуси, унинг мақсадлари ва режалаштирилган натижаларни айтади, уларнинг аҳамияти ва долзарблигини асослайди.	Тинглайди. Қаранг ЎММ

(10 дақиқа)	<p>1.2. Талабаларнинг билимларини суҳбат шаклидаги саволлар бўйича жонлаштиради (2-илова).</p> <p>Текшириш жараёнида талабаларнинг билимлари ўқув муаммони ҳал қилишда ва машғулот давомида фаол қатнашишда етарлилигини аниқлайди.</p>	Саволларга жавоб берадилар
2-Босқич Асосий қисм (60 дақиқа)	<p>2.1. Ўқув топшириқларни беради, уларни бажариш йўллари талабалар билан муҳокама қилади.</p> <p>Ишнинг якуни бўйича қандай натижалар кутилаётганлигини айтади.</p> <p>Гуруҳларда ишларни бажариш натижаларини қандай шаклда тақдим қилишни айтади.</p> <p>Ҳар бир талаба ва гуруҳни баҳолаш мезонларини тушунтиради (3-илова).</p> <p>2.2. Талабаларни мини-гуруҳларга бўлади. Гуруҳларга топшириқларни тарқатади. Топшириқларни бажариш учун яна қандай қўшимча материаллардан фойдаланиш мумкинлигини тушунтиради.</p> <p>2.3. Гуруҳ топшириқларини бажариш бўйича йўриқномани доскада намойиш қилинади ва талабалар билан муҳокама қилинади.</p> <p>2.4. Гуруҳда ишлашни ташкил қилади. Назоратчи сифатида иштирок этади. Бунда: гуруҳ ишларини назорат қилади, бироқ уларни бошқармайди; аниқ топшириқни бажариш учун зарур бўлган кўникмаларни шакллантириш мақсадида якка ишлашга эътиборни қаратади. Топшириқ қанчалик бажарилганлигини билим мақсадида очиқ саволларни беради: «Нима учун сиз шундай ўйлаяпсиз?», «Нега айнан шу метод?»; талабалар ишларини изоҳлайди. Аниқ танбеҳлар беради.</p> <p>2.6. Презентацияни бошлашни айтади. Бажарилган иш натижаларини эълон қилиш ва баҳолаш учун гуруҳ вакилларини тайинлайди.</p> <p>2.7. Гуруҳ ишларининг натижаларини ўзаро текширишни ташкил қилади (4-илова).</p>	<p>Топшириқларни муҳокама қиладилар</p> <p>Ўқув материаллари билан танишадилар</p> <p>Мини-гуруҳларга бўлинадилар</p> <p>Гуруҳда ишлашни режалаштиради.</p> <p>Гуруҳ ичида саволларни тақсимлайдилар. Уларни якка тартибда бажарадилар. Якка тартибда эришган натижаларни муҳокама қиладилар.</p> <p>Гуруҳ бўйича умумий натижаларни шакллантиради ва презентацияга тайёрлайди.</p> <p>Гуруҳ вакиллари</p> <p>Гуруҳ вакиллари иш натижаларини эълон қилади</p> <p>Ўзаро билимларни текшириш учун ҳар бир гуруҳ саволларни тайёрлайди ва беради.</p>

## ТЕСТ ТОПШИРИҚЛАРИ

### 1. Асосий узвий саволлар деб қандай саволни айтамыз?

- а) мавзуни тезда тушунишга ёрдам берадиган саволлар;
- б) мавзу режасида биринчи қўйилган савол;
- в) \*мавзунинг моҳиятини очиб берадиган саволлар;
- г) иқтисодий фикрлаш ва саводхонликни оширадиган саволлар.

2. Олий ўқув юртида ўқиладиган маърузалар ўз функциясига кўра қандай турларга бўлинади?

- а) кириш маърузаси, яқунловчи маъруза;
- б) кириш ва яқунловчи маъруза, обзорли маъруза;
- в) муаммоли ва яқунловчи маъруза, мавзулар бўйича маъруза;
- г) \*кириш, муаммоли ва яқунловчи маъруза, обзорли маъруза.

### 3. Маърузага тайёргарлик нимадан бошланади?

- а) асосий саволларни ажратиб режа тузиш;
- б) \*ўқиладиган мавзу бўйича адабиётлар танлаш ва материал йиғиш;
- в) адабиётларни конспект қилиш;
- г) маъруза матнини ёзиш.

4. Дарс пайтида сўз билан ўқитувчи томонидан талабанинг ёдига тушириш, хаёлига келиши мумкин бўлган кўргазмали қурол бу...

- а) адабиёт, санъат асарлари, бадий фильм, бадий асар қаҳрамонларини, хаётдаги турли воқеа, вазиятларни ёдга тушириш;
- б) мавхум тафаккур этиш, хаётдаги турли воқеаларни ёдга тушириш;
- в) доскадаги ёзувни фикрлаш, бадий, хужжатли фильм кўриш;
- г) \*адабиёт, санъат асарлари, бадий фильм, бадий асар қаҳрамонларини, хаётдаги турли воқеа, вазиятларни ёдга тушириш, доскадаги ёзувни фикрлаш.

5. Талабалар мустақил ишини ташкил этишнинг асосий хусусияти нимада?

- а) талабани мустақил ишлашга ўргатади;
- б) \*таълимнинг бу шаклини мустақил равишда талабанинг ўзи ташкил қилади;
- в) мустақил иш аудиториядан ташқарида ўтказилади;
- г) талабадан кўпроқ ақлий меҳнат талаб қилади.

6. Талабалар билимини назорат қилиш ва баҳолашнинг асосий тамойиллари қуйидагилардан қай бири кирмайди?

- а) барча талабаларни жалб этиш;
- б) дастур бўйича барча мавзуларни қамраб олиш;
- в) талабаларга табақали ёндашиш;
- г) \*тенглик тамойилига асосланиш.

7. Анъанавий дарс ўтиш услубларига қуйидагилардан қайсиларини киритиш мумкин?

- а) \*савол-жавоб, дарсни суҳбат тарзида олиб бориш, тўғридан-тўғри баён қилиш, реферат, доклад ёзиш, масала-машқ ечиш;
- б) моделлаштирувчи ўйин, тадқиқот;
- в) мунозара кичик гуруҳларга бўлиб дарс ўтиш;
- г) эссе ёзиш, савол-жавоб, «тўғридан-тўғри баён қилиш».

8. Интерактив дарс ўтиш услубларига қуйидагилардан қайси бирларини киритиш мумкин?

- а) савол-жавоб, дарсни суҳбат тарзида олиб бориш, тўғридан-тўғри баён қилиш;
- б) \*моделлаштирувчи ўйин, тадқиқот, мунозара кичик гуруҳларга бўлиб дарс ўтиш;
- в) реферат, доклад ёзиш, масала, машқ ечиш;
- г) масала-машқ ечиш, савол-жавоб, эссе ёзиш, суҳбат ўтказиш.

9 Олий ўқув юртида ўқиладиган маърузалар ўз функциясига кўра қандай турларга бўлинади?

- а) кириш маърузаси, яқунловчи маъруза;
- б) кириш ва яқунловчи маъруза;
- в) муаммоли ва яқунловчи маъруза;
- г) \*кириш, яқунловчи ва муаммоли маъруза.

10. Дарс пайтида сўз билан ўқитувчи томонидан талабанинг ёдига тушириш?

- а) адабиёт, санъат асарлари, бадий фильм, бадий асар қаҳрамонларини, ҳаётдаги турли воқеа, вазиятларни ёдга тушириш;
- б) мавҳум тафаккур этиш;
- в) доскадаги ёзувни фикрлаш;
- г) \*адабиёт, санъат асарлари, бадий фильм, бадий асар қаҳрамонларини, ҳаётдаги турли воқеа, вазиятларни ёдга тушириш, доскадаги ёзувни фикрлаш.

## 11. Касб нима?

- а) инсон меҳнат фаолияти маҳсули бўлиб, олган назарий, амалий кўникма ва малакаларни эгаллаш мажмуи;
- б) маҳсус комплекс тайёрлаш даврида ва иш тартиблари асосида олган билимлар, кўникма ва малакалардир.
- в) иш тажрибалари асосида олган назарий билимлар мажмуасидир.
- г) \*маҳсус тайёргарлик ва иш тажрибалари асосида маълум бир соҳада фаолият учун ўзлаштирилган билимлар амалий кўникма ва малака мажмуасидир.

## 12. Узлуксиз таълимни ташкил этиш ва уни ривожлантириш принципларини санаб ўтинг

- а) таълимнинг демократлашуви, таълимнинг ижтимоийлашуви, таълимнинг миллий йўналтирилганлиги, таълим ва тарбиянинг узвий боғлиқлиги;
- б) \*таълимнинг устиворлиги, демократлашуви, инсонпарварлашуви, ижтимоийлашуви, миллий йўналтирилганлиги, таълим ва тарбиянинг узвий боғлиқлиги, иқтидорли ёшларни аниқлаш;
- в) таълимда ҳамкорлик, таълимнинг узлуксизлик, иқтидорли ишларни ёшларни аниқлаш;

- г) таълимнинг инсонпарварлашуви, ижтимоийлашуви, миллий йўналтирилганлиги, таълим ва тарбиянинг узвий боғлиқлиги, иқтидорли ёшларни аниқлаш, таълимнинг демократлашуви.

**13. Кичик мутахассис нима?**

- а) \*таълим дастурини муваффақиятли ўзлаштирган ЎМҚХТ муассаслари битирувчисига бериладиган кўникма;  
б) таълим дастурини муваффақиятли ўзлаштирган ЎМҚХТ муассаслари битирувчисига бериладиган малака;  
в) таълим дастурини муваффақиятли ўзлаштирган ЎМҚХТ муассаслари битирувчисига бериладиган билим ва малака;  
г) таълим режасини муваффақиятли ўзлаштирган ЎМҚХТ муассаслари битирувчисига бериладиган диплом.

**14. Фан дастури қандай компонентларни ўз ичига олади?**

- а) фаннинг мақсади, фаннинг мазмуни, кўникма билимлар, намунавий мавзулар режаси, ўқитиш воситалари, ўқитиш методлари, баҳолаш тизими;  
б) \*тушунтириш хати, фаннинг мақсади, фаннинг мазмуни, кўникма- билимлар, намунавий мавзулар режаси, ўқитиш воситалари, ўқитиш методлари, баҳолаш тизими, фойдаланилган адабиётлар;  
в) фаннинг мақсади ва вазифалари, кўникма-билимлар, намунавий мавзулар режаси, фаннинг мазмуни, ўқитиш воситалари, баҳолаш тизими, фойдаланилган адабиётлар;  
г) тушунтириш хати, фаннинг мақсади, кўникма- билимлар, фаннинг мазмуни, намунавий мавзулар режаси, ўқитиш воситалари, ўқитиш методлари.

**15. Ўқув мақсадлари қандай намоёишларга асосланиши керак?**

- а) \*аниқлик, ўлчанадиган, эришиши мумкин, реал амалга ошириш мумкин, вақт жихатдан белгиланган бўлиши;  
б) реал амалга ошириш мумкин, вақт жихатдан белгиланган бўлиши;  
в) аниқлик, реал амалга ошириш мумкин, вақт жихатдан белгиланган;  
г) вақт жихатдан белгиланган, аниқлик.

**16. Олий таълим тизими неча босқичга эга**

- а) аспирантура, магистратура;  
б) магистратура, доктарантура;  
в) бакалавриат, аспирантура;  
г) \*бакалавриат ва магистратура.

### Билимларни чуқурлаштириш учун саволлар

1. Халқаро аудит тизими фани бўйича маъруза режасини тузиш, амалиёт материаллари йиғиш, маърузанинг таркиби ва унда қўйиладиган саволларнинг асосий мазмуни, қўшимча саволлар, маърузанинг қўшимча қисмлари тузилиши ҳақида гапириб беринг.
2. Халқаро аудит тизими фани бўйича маъруза матни, унга қўйиладиган талаблар, маърузани тайёрлашда давлатнинг қонун-қоидалари, фармонлари, йўриқномалари, Молия вазирлиги ва Давлат солиқ Кўмитаси, Марказий банкнинг меъёрий ҳужжатларидан, махсус адабиётларидан фойдаланиш тартиби хусусида гапириб беринг.
3. Халқаро аудит тизими фани бўйича маъруза да қўйиладиган саволлар ҳозирги куннинг долзарб муаммолари билан боғлаш, муаммоли маърузалар билан умумий маърузаларнинг фарқи, маърузага тайёргарлик кўриш жараёни хусусида гапириб беринг.

### Гуруҳ ишларини баҳолаш жадвали

Гуруҳ	Жавобнинг тўлиқлиги, аниқлиги (1,0)	Тақдим қилинган ахборотнинг кўргазмалиги (0,5)	Ҳар бир гуруҳ аъзосининг фаоллиги (0,5)	Умумий балл суммаси	Баҳо
1					
2					
3					
4					
5					

Ҳар бир гуруҳ бошқа гуруҳнинг презентация маълумотларини баҳолаш мезонларига қараб баҳолайди. Гуруҳ бўйича олинган баҳо, ҳар бир гуруҳ аъзоси ўртасида аниқланиб баҳоланади: 1,5 – 2 баллар - «аъло»; 1,0 – 1,4 – «яхши»; 0,5 – 0,9 баллар – «қониқарли»; 0 – 0,4 баллар – «қониқарсиз».

### Мунозара қатнашчисига эслатма

1. Мунозара муаммони ҳал қилиш усули ҳисобланади, муносабатларни эмас.
2. Кўп гапирма, бошқаларга ҳам ўз фикрини билдиришга имкон бер.
3. Етти ўлчаб бир кес. Ҳис-туйғуларингни назорат қил.
4. Оппонентни ҳурмат қилиб, унинг фикрини тушунишга ҳаракат қил.
5. Оппонентнинг фикрини нотўғри талқин қилмай, аниқ эътироз билдир.
6. Ўқиган ва умумий билимдонлик бўйича эмас, мунозара мавзуси бўйича фикрингни билдир.

## АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

### Асосий адабиётлар

7. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси.-Т.: Ўзбекистон, 2002.
8. Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари / И.А.Каримов. – Т: Ўзбекистон, 2009. – 56 б.
9. Мамлакатимизни модернизация қилиш ва янгилашни изчил давом этириш – давр талаби. Президент Ислам Каримовнинг 2008 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ва 2009 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган вазирлар маҳкамаси мажлисидаги маърузаси // Халқ сўзи, 2009 йил 14 февраль.
10. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси мажлисининг Қарори. «2008 йилда Республикани ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ва 2009 йилда иқтисодийётни барқарор ривожлантиришнинг энг муҳим устувор вазифалари тўғрисида». 2009 йил 13 февраль.
11. Ўзбекистон Республикасининг Солиқ Кодекси: Рсмий нашр- Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги.-Т.: «Адолат »,2008 й.-692 б.
12. Ўзбекистон Республикасининг “Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида”ги Қонуни - Тошкент 1996 й. 30 август.
13. Ўзбекистон Республикасининг “Аудиторлик фаолияти тўғрисида”ги Қонуни (янги таҳрири) 2000 й. 26 май. (ЎзР 13.12.2002 й. 447-П-сон Қонуни, ЎзР 04.04.2006 й. ЎРҚ-28-сон Қонуни, ЎзР 10.10.2006 й. ЎРҚ-59-сон Қонуни асосидаги ўзгартиришлар билан)
14. Беспалько Б. Слаевые в педагогическое технологии. -М.: Педагогика, 1999.
15. Дўсмуратов Р.Д. Аудит асослари.-Т.: Ўзбекистон миллий энциклопедияси. 2003. -612 с.
16. Зиямухаммедов Б. Педагогика. -Т.: Ўқитувчи, 2000.
17. Қурбонов Ш. ва бошқалар.Узлуксиз таълимда кадрлар тайёрлашнинг миллий модели.-Т.: Шарк, 2000.
18. Мусаев Ҳ.Н. Аудит.-Т.: Молия. 2003.-220 б.
19. Хўжаев Н. Иқтисодий педагогика. -Т.: Фан, 2002.

### Қўшимча адабиётлар

20. Мавлонов С., Тўраева Ж. Педагогика. -Т.: Ўқитувчи, 2001.
21. Перегудов Л., Саидов М. Менеджмент и экономика высшего образования.-Т.: Шарк, 2001.
22. Подласый И.П. Педагогика. Новый курс. -М.: 1999.
23. Фарберман Б. Илғор педагогик технологиялар. -Т.: Фан, 2000.
24. Фарберман Б. Передовые педагогические технологии. -Т.: Фан, 2000.
25. Фарберман Б., Мусина Р., Жумаева Ф. Олий ўқув юртларида ўқитишнинг замонавий усуллари. –Т.: Ўқитувчи, 2002.
26. Аудитор. Журнали – М.: “Русский журнал”. 2006-2009 йиллар.
27. Бухгалтерский учет. Журнал.- М.: 2006-2009 гг.
28. Интернет сайтлари:  
<http://www.aicpa.org>,  
<http://www.accountingweb.com>,  
<http://www.gaap.ru>,  
<http://www.auditinfo.ru>



ФАЙЗИЕВ ШАХОБИДДИН НУРУТДИНОВИЧ  
МЕЛИЕВ ИСРОИЛ ИСМОИЛОВИЧ

«МАХСУС ФАНЛАРНИ ЎҚИТИШ МЕТОДИКАСИ»

ФАНИ БЎЙИЧА

ТАЪЛИМ ТЕХНОЛОГИЯСИ

Услубий қўлланма

Мухаррир  
Компьютерда саҳифаловчи

Ҳ.Тешабоев  
Г.Нуриддинова

Босишга рухсат этилди. . . Қоғоз бичими 60x84<sub>1/16</sub>.

Ҳисоб-нашр табоғи б.т. Адади 100. Буюртма №

Тошкент Молия институти босмахонасида ризография  
узулида чоп этилди.

100084, Тошкент, Кичик ҳалқа йўли кўчаси, 7-уй